Funded by the European Union

YUKSALISH

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ҲУЗУРИДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА



Funded by
the European Union

YUKSALISH

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ҲУЗУРИДА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2026

Қўлланма Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган ҳамда БМТ Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилаётган "Ўзбекистонда давлат хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида Юксалиш ҳаракати томонидан ишлаб чиқилди.

Ушбу нашр Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган. Унинг мазмуни учун фақат муаллифлар масъул бўлиб, у Европа Иттифоқининг фикрини акс эттириши шарт эмас.

Баён этилган қарашлар ва хулосалар, албатта, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, жумладан, БМТ Тараққиёт Дастурининг ёки бирон бир БМТга аъзо давлатининг расмий позициясини акс эттирмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) қашшоқлик, тенгсизлик ва иқлим ўзгариши туфайли юзага келадиган адолатсизликка қарши курашувчи етакчи БМТ ташкилотидир. 170 мамлакат ва минтақалардаги кенг мутахассислар ва ҳамкорлар тармоғи билан ҳамкорликда биз одамлар ва сайёра учун кенг қамровли, узоқ муддатли ечимларни яратишга ёрдам берамиз.

Нашрга тайёрловчи:

М.Алиев - "Ҳўқанди латиф келажаги" Жамоат фонди раҳбари, Қўқон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси;

Д.Шодмонов – Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси;

О.Гайбуллаев – БМТТД лойиҳа координатори;

Д.Лютфиддинов – "Юксалиш" ҳаракати раиси ўринбосари;

С.Мустафаева – "Юксалиш" ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўлими бошлиғи.

Ф.Эргашов - Дизайнер

МУНДАРИЖА:

КИРИШ 4

I БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ 6

1.1. Миллий қонунчилик шарҳи 6

1.2. Халқаро тажриба таҳлили 16

1.3. Ўзбекистон тажрибаси: самарали моделлар 30

II БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ *(I Модул)* 34

2.1. Кенгаш таркибини шакллантириш механизми меритократия тамойили 34

2.2. Кенгашнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва фаолиятини ташкил этиш 36

2.3. Йиллик иш режасини ишлаб чиқиш алгоритми 40

III БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ *(II Модул)* 58

3.1. Жамоатчилик назорати шакллари: эшитув, мониторинг ва экспертиза 58

3.2. Рақамли назорат: давлат харидлари ва бюджет очиқлигини кузатиш 66

IV БОБ. ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ИШТИРОК ВА ҲАМКОРЛИК *(III Модул)* 87

4.1. Манфаатларни ҳимоя қилиш 87

4.2. Ташаббусларни илгари суришнинг асосий усуллари ва воситалари 90

4.3. Манфаатдор томонларни таҳлил қилиш ва амалий натижадорлик 93

4.4. Ҳудудий муаммоларни ҳал этишдаги амалий тажриба (Кейслар) 94

ХУЛОСА 95

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 96

ИЛОВАЛАР ВА ТЕСТЛАР 98

КИРИШ:

Ҳурматли фойдаланувчилар!

Мазкур ўқув қўлланма туман даражасидаги давлат органлари *(ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг туман бўлимлари)* ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали мулоқотни таъминловчи **Жамоатчилик кенгашлари *(ЖК)*** фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга мўлжалланган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув тизимига фуқароларнинг фаол иштирокини интеграция қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланмоқда. Жамоатчилик кенгашлари айнан шу жараёнда халқ ва ҳокимият ўртасидаги ишончли "кўприк" бўлиши, қарорлар қабул қилиш жараёнининг очиқлиги ва адолатлилигини таъминлаши керак.

Ушбу қўлланманинг асосий мақсади — Жамоатчилик кенгаши раислари ва аъзоларига кенгаш фаолиятини шаклдан мазмунга ўтказишда амалий кўмак беришдир.

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ва халқаро ҳамкорлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар туманлардаги Жамоатчилик кенгашлари фаолиятида бир қатор тизимли тўсиқлар мавжудлигини кўрсатди:

- фаолиятнинг асосан расмий характерга эгалиги;
- аъзоларни танлаш жараёнида шаффофликнинг етишмаслиги;
- кенгаш аъзоларида жамоатчилик назорати ва мониторинг ўтказиш бўйича амалий кўникмаларнинг етарли эмаслиги;
- давлат органлари ва кенгаш ўртасидаги аниқ ҳамкорлик механизмларининг ишлаб чиқилмагани.

Шу сабабли ушбу қўлланма назарий шарҳлардан кўра кўпроқ **амалий қўлланма-йўриқнома** сифатида тузилган бўлиб, унда ҳар бир назарий қисм аниқ **кейс-стади, шаблон ҳужжатлар ва интерактив машқлар** билан тўлдирилган.

Қўлланма ўзаро мантиқий боғланган 3 та модулдан иборат:

I модул. Жамоатчилик кенгашини самарали ташкил этиш

Ҳар қандай самарали фаолият мустаҳкам ҳуқуқий ва ташкилий асосдан бошланади. Ушбу модулда сиз ЖКни ташкил этишнинг амалдаги қонунчилик базаси билан танишасиз. Энг муҳими, аъзоларни танлашда шаффофликни таъминлаш, кенгаш Низомини ишлаб чиқиш ва туманнинг ўзига хос муаммоларидан келиб чиққан ҳолда йиллик иш режасини тузиш алгоритмини ўрганасиз. Модул якунида сиз кенгашнинг "жонли" ишлашини таъминлайдиган ташкилий механизмларни шакллантириш кўникмасига эга бўласиз.

II модул. Жамоатчилик кенгаши томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш

Кенгаш ташкил этилгандан сўнг, унинг асосий вазифаси — жамоатчилик назоратини амалга оширишдир. Бу модул сизга давлат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар (соғлиқни сақлаш, транспорт, коммунал хизмат ва ҳ.к.) сифатини қандай баҳолашни ўргатади. Биз экологик назорат, бюджет маблағларининг сарфланишини кузатиш ва аҳоли фикрини ўрганиш бўйича аниқ инструментларни (сўровномалар, чек-листлар, экспертлик хулосалари) тақдим этамиз. Бу босқичда сиз муаммони нафақат кўриш, балки уни далиллар (рақамлар ва фактлар) асосида таҳлил қилишни ўрганасиз.

III Модул: Жамоатчилик кенгашининг қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиши ва давлат ҳокимияти органлари билан самарали ҳамкорлик

Аниқланган муаммолар ва мониторинг хулосалари ҳокимлик қарорларида ўз аксини топмаса, кенгаш иши самарасиз ҳисобланади. Ушбу якуний модул жамоатчилик манфаатларини ҳокимият даражасида ҳимоя қилишга бағишланган. Сиз стейкхолдерлар (манфаатдор томонлар) билан ишлаш, давлат органлари билан конструктив диалог ўрнатиш ва туман ҳокимининг қарорларини ишлаб чиқишда ЖК таклифларини интеграция қилиш усулларини ўзлаштирасиз. Модулнинг асосий мақсади — ЖКни ҳокимиятнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорига айлантиришдир.

Қўлланманинг ҳар бир бўлимида назарий қисм билан бирга **кейс-стади (ҳаётий мисоллар), шаблон ҳужжатлар ва интерактив машқлар** берилган. Бу ЖК аъзоларига олинган билимларни ўз ҳудудларида дарҳол татбиқ этиш имконини беради.

Ишонамизки, ушбу қўлланма Жамоатчилик кенгашларини шунчаки маслаҳат органи эмас, балки туман ҳаётига реал таъсир кўрсатадиган кучли институционал платформага айлантиришда сизга яқиндан ёрдам беради!

I БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ШАРҲИ

1.1. МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ШАРҲИ

Давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган яхлит қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тизимига таянади. Ушбу ҳуқуқий база йиллар давомида такомиллашиб, кенгашларнинг мақомини маслаҳат органидан давлат бошқарувида таъсир кучига эга бўлган муҳим институт даражасига кўтарди. Соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи энг муҳим норматив ҳужжатлар шарҳи қуйидагилардан иборат:

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун: ҳуқуқий механизмлар ва ваколатлар

2018 йилда қабул қилинган мазкур Қонун Жамоатчилик кенгашларини жамоатчилик назорати субъекти сифатида белгилаб берган асосий ҳужжатдир. Бу Қонун жамоатчилик назорати субъекти ва объекти ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. “Жамоатчилик назорати ўзи нима?” деган саволга жавоб бериб аниқ таъриф келтиради.

> Жамоатчилик назорати — бу фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан амалга ошириладиган кузатув ва баҳолаш жараёнидир.

Жамоатчилик назоратининг субъектлари ва кенгашнинг ўрни

Қонуннинг 3-моддасига биноан, Жамоатчилик кенгашлари жамоатчилик назоратининг бевосита субъекти ҳисобланади. Бу шуни англатадики, кенгаш аъзолари оддий кузатувчи эмас, балки давлат органи фаолиятини расмий равишда назорат ва баҳолаш ваколатига эга бўлган шахслардир. Кенгаш фуқаролар ва давлат ўртасидаги "кўприк" вазифасини бажаради.

Жамоатчилик Назоратининг амалий шакллари ва уларни қўллаш тартиби

Қонун кенгашларга ўз мақсадларига эришиш учун 5 та асосий шаклни тақдим этади:

1. **Жамоатчилик эшитуви**

   Давлат органи раҳбарларининг соҳага оид ҳисоботларини эшитиш. Бунда кенгаш муайян муаммо бўйича давлат органидан тушунтириш талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2. **Жамоатчилик муҳокамаси**

   Қабул қилинаётган қонунлар ёки маҳаллий дастурларни жамоатчилик иштирокида таҳлил қилиш. Кенгаш лойиҳадаги камчиликларни кўрсатиб, уни ўзгартиришни талаб қилиши мумкин.

3. **Жамоатчилик мониторинги**

   Давлат органи фаолиятининг амалдаги ҳолатини кузатиш (масалан, тиббиёт муассасасидаги шароитларни ўрганиш). Бу жараён фактларни тўплаш ва тизимлаштиришга асосланади.

4. **Жамоатчилик экспертизаси**

   Қарорларнинг жамият манфаатларига, инсон ҳуқуқларига мослигини экспертлар ёрдамида баҳолаш. Бу энг юқори профессионал назорат шаклидир.

5. **Жамоатчилик фикрини ўрганиш**

   Аҳоли ўртасида сўровномалар ўтказиш ва реал ҳолат бўйича ижтимоий манзарани яратиш.

Ахборот олиш ва натижадорлик кафолатлари

Қонуннинг энг муҳим жиҳати шундаки, у давлат органларига кенгаш билан ҳисоблашиш мажбуриятини юклайди:

- **Очиқлик:**

  Давлат органлари кенгаш сўровига кўра назорат учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этиши шарт (давлат сиридан ташқари).

- **Мажбурий кўриб чиқиш:**

  Кенгаш томонидан тайёрланган баённома, хулоса ёки тавсиялар давлат органи томонидан **мажбурий тартибда** кўриб чиқилиши керак. Давлат органи кенгаш таклифини қабул қилмаса, бунинг сабабларини асослаб бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июл кунги ПҚ–3837-сонли қарори – "ташкилий механизм сифатида"

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги "Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3837-сонли қарори кенгашлар фаолиятини амалий йўлга қўйишнинг "йўл харитаси" бўлиб хизмат қилди.

Бу ҳужжат орқали:

- Ҳар бир давлат органи ҳузурида Жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш тартиби белгиланди
- Кенгашларнинг асосий вазифалари ва функциялари аниқ кўрсатиб ўтилди.
- Давлат органи ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг Намунавий низоми тасдиқланди. Бу низом кенгаш таркибини шакллантириш, аъзолар ваколатлари ва иш шаклларини бирхиллаштириш имконини берди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги **“Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-124-сон Фармони.**

Давлат органлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашларини консультатив органдан — таъсир кўрсатувчи институтга ўтиши таъминланди.

Авваллари Жамоатчилик кенгашлари фақат маслаҳат бериш билан чекланган эди. ПФ-124-сонли Фармон бу ёндашувни ўзгартирди:

- Кенгашларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди ва уларнинг фаолияти учун давлат органлари шахсан масъул этиб белгиланди.
- Фармон асосида муҳим давлат қарорлари Жамоатчилик кенгашининг хулосасисиз қабул қилинмаслиги тизими жорий этилмоқда.

Молиявий ва ташкилий мустақилликни таъминлаш

Кенгаш самарали ишлаши учун унда ресурс бўлиши керак. Мазкур Фармон қуйидагиларни назарда тутади:



Давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалар:
Жамоатчилик кенгашлари ўз тадқиқотлари ва мониторинг тадбирлари учун давлат фондидан маблағ олиши мумкин бўлди. Бу маблағлар Жамоатчилик кенгаши таркибидаги фуқаролик жамияти институти бўлган ташкилот ҳисоб рақами орқали ўтади.



Инфратузилма:
Давлат органлари кенгашларни хона, алоқа воситалари ва зарур техника билан таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилди.

Меритократия ва Очиқлик тамойиллари

ПФ-124-сон Фармон Жамоатчилик кенгашларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини юритишда мутлақо янги тизимли талабларни белгилайди. Бунда асосий урғу кенгашларнинг расмий тузилмадан жамият манфаатларини ифода этувчи фаол институтга айланиши учун меритократия (муносиб номзодларни танлаш) ва очиқлик тамойилларини изчил жорий этишга қаратилган. Ушбу талаблар кенгаш аъзоларининг профессионал мақомини ошириш ва уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни кўзда тутади.

Меритократия тамойили доирасида Фармон Жамоатчилик кенгашлари таркибини шакллантиришда "таниш-билишчилик"ка чек қўйиб, аъзоларни очиқ танлов (конкурс) асосида саралашни мажбурий қилиб белгилайди. Эндиликда номзодларни танлашда уларнинг соҳавий билимлари, экспертлик салоҳияти ва илгари амалга оширган ижтимоий лойиҳалари каби профессионал мезонлар устувор аҳамият касб этади. Бу тизим кенгашга фақат соҳа муаммоларини чуқур тушунадиган ва уларни ҳал этишда амалий таклиф бера оладиган лойиқ шахсларнинг кириб келишини кафолатлайди.

Шунингдек, меритократия тамойили кенгаш таркибининг ижтимоий хилма-хиллигини таъминлашни назарда тутади. ПФ-124-сон Фармонга кўра, кенгаш таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, илмий-академик доиралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фаол фуқаролар мутаносиб равишда жалб этилиши шарт. Бундай профессионал ва ижтимоий вакиллик кенгашнинг "бир томонлама" қарорлар қабул қилишининг олдини олиб, мураккаб ижтимоий масалаларни экспертлик даражасида холис таҳлил қилиш имконини беради.

Очиқлик тамойили Жамоатчилик кенгашларининг ҳар бир ҳаракати жамият учун шаффоф бўлишини талаб қилади. Фармонда кенгаш таркибини шакллантириш бўйича эълонларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда камида 15 кун олдин бериш, саралаш натижаларини эса батафсил баён қилган ҳолда очиқ эълон қилиш механизми белгиланган. Бу фуқароларга кенгаш таркиби қандай асосда шаклланганини кузатиш ва жараёнда иштирок этиш учун тенг имконият яратади, натижада тизимга бўлган ижтимоий ишончни мустаҳкамлайди.

Фармон Кенгашлар фаолиятида очиқликни таъминлаш учун рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни мажбурият қилиб юклайди. Жамоатчилик кенгашларининг йиғилиш кун тартиблари, қабул қилинган баённомалар ва давлат органларига киритилган тавсиялар расмий веб-сайтларда ҳамда ижтимоий тармоқларда мунтазам эълон қилиб борилиши шарт. Бу эса кенгашнинг нафақат давлат органи олдида, балки биринчи навбатда халқ олдида ҳисобдор бўлишини ҳамда муҳокамалар жараёнида жамоатчиликнинг кенг қатламлари иштирок этишини таъминлайди.

Шунингдек, ПФ-124-сон Фармон талабларига биноан, кенгашлар ўз фаолиятининг натижадорлиги, жумладан, берилган таклифларнинг нечтаси давлат органи қарорларида акс этгани ва қайси муаммолар ҳал этилгани бўйича очиқ маълумот бериб бориши шарт. Ушбу механизм Жамоатчилик кенгашларини давлат ва жамият ўртасидаги шаффоф мулоқот платформасига айлантириб, бошқарувда жамоатчилик назоратини реал таъсир кучига эга бўлишини таъминлайди.

Натижадорликни баҳолаш *(KPI)*

Эндиликда Жамоатчилик кенгашларининг фаолияти шунчаки ўтказилган йиғилишлар сони билан эмас, балки эришилган натижалар билан баҳоланади. Қанча таклиф берилди? Уларнинг нечтаси давлат қарорларида акс этди? Қанча тизимли муаммо ҳал бўлди? Мана шу кўрсаткичлар кенгаш ишининг самарадорлигини белгилайди.

Кенгаш ишининг самарадорлик ўлчови (KPI)

Яхши натижа (Яшил зона)	Ёмон натижа (Қизил зона)
Тавсияларнинг 70% и бажарилди.	Фақат йиғилиш ўтказилди (натижа йўқ).
Ҳоким қарори халқ фойдасига ўзгарди.	Ҳисоботлар фақат қоғозда қолди.
Ижтимоий тармоқларда Кенгаш фаол.	Халқ Кенгашни танимайди.



Ўлчаймиз — таҳлил қиламиз — яхшилаймиз — натижага эришамиз!

МАТЕРИАЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун Жамоатчилик кенгашлари фаолияти учун қандай концептуал асос яратади?

2. Жамоатчилик кенгашлари жамоатчилик назорати субъектлари тизимида қандай ўрин тутади?

3. Қонунда мустаҳкамланган жамоатчилик назоратининг 5 та асосий шаклини санаб беринг.

4. Жамоатчилик кенгашлари учун ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқининг таъминланиши назорат самарадорлигига қандай таъсир қилади?

5. Давлат органлари томонидан кенгаш хулосаларини мажбурий кўриб чиқиш тартибининг аҳамияти нимада?

6. ПҚ–3837-сонли Қарорнинг Жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишдаги ҳузуриини тушунтиринг.

7. ПФ–124-сонли Фармонга мувофиқ, Жамоатчилик кенгашларининг мақоми қандай янги босқичга кўтарилди?

8. Жамоатчилик кенгашлари таркибини шакллантиришда меритократия ва очиқлик тамойиллари деганда нима тушунилади?

9. Жамоатчилик кенгашларининг давлат бошқарувида “кўприк” вазифасини бажариши аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда қандай намоён бўлади?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. “Жамоатчилик назорати тўғрисида» ги Қонуннинг асосий вазифаси нима?

A) Давлат бюджетини тақсимлаш

B) Қонун жамоатчилик назорати субъекти ва объекти ўртасидаги муносабатларни тартибга солади

C) Суд органлари фаолиятини бошқариш

D) Сиёсий партиялар рўйхатини тузиш

2. Жамоатчилик назорати деганда нима тушунилади?

A) Давлат органларининг ички текширув жараёни

B) Фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган назорат

C) Фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органлари фаолиятини кузатиш ва баҳолаш

D) Корхоналарнинг молиявий аудити

3. Қуйидагилардан қайси бири жамоатчилик назорати субъекти ҳисобланади?

A) Фақат давлат солиқ инспекцияси

B) Фақат тижорат банклари

C) Фуқаролар, ННТлар, ОАВ ва бошқа жамоатчилик тузилмалари

D) Фақат чет эл инвестиция компаниялари

4. Жамоатчилик кенгашлари жамоатчилик назоратининг қайси субъектига мисол бўлади?

A) Давлатнинг ички назорат инспекциясига

B) Назорат функциясини амалга оширувчи институционал субъект

C) Суд ҳокимиятининг бўғинига

D) Тижорат мақсадидаги бирлашмага

5. Қуйидагилардан қайси бири Қонунда белгиланган жамоатчилик назорати шакли ҳисобланмайди?

A) Жамоатчилик эшитуви

C) Суд ҳукми устидан шикоят қилиш

B) Жамоатчилик мониторинги

D) Жамоатчилик экспертизаси

6. Жамоатчилик кенгашлари учун ахборот олиш ҳуқуқи нима учун муҳим?

A) Фақат статистик ҳисоботларни тўплаш учун

C) Давлат органининг ички архив ишларини юритиш учун

B) Очиқ ва ишончли маълумотлар асосида самарали назоратни амалга ошириш учун

D) Мажбурий эмас, фақат ихтиёрий асосда амал қилади

7. Жамоатчилик назорати натижалари (хулоса ва тавсиялар) давлат органлари томонидан қандай кўриб чиқилади?

A) Давлат органи хоҳишига кўра ихтиёрий равишда

C) Мажбурий тартибда кўриб чиқилади ва муносабат билдирилади

B) Фақат суд қарори бўлгандагина

D) Умуман кўриб чиқилмайди

8. Президентнинг ПҚ–3837-сонли Қарорининг асосий мақсади нима?

A) Давлат солиқларини камайтириш

C) Янги вазирликлар ташкил этиш

B) Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш тартибини белгилаш

D) Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш

9. ПФ–124-сонли Фармон Жамоатчилик кенгашлари таркибини шакллантиришда қайси тамойилни жорий этади?

A) Фақат давлат хизматчиларини жалб этиш

B) Аъзоларни очиқ танлов ва меритократия (муносибларни танлаш) асосида саралаш

C) Фақат таниш-билишчилик асосида тайинлаш

D) Таркибни ёпиқ эшиклар ортида шакллантириш

10. Жамоатчилик кенгашларининг давлат бошқарувидаги асосий функцияларидан бири нима?

A) Маъмурий жазо чораларини қўллаш

B) Халқ ва ҳокимият ўртасида “кўприк” бўлиб, ижтимоий мулоқотни таъминлаш

C) Давлат бюджетини тасдиқлаш

D) Қонунларни қабул қилиш ва имзолаш



1.2. ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ

Жамоатчиликни давлат бошқаруви жараёнларига кенг жалб қилиш, фуқароларнинг қарор қабул қилишдаги иштирокини таъминлаш ва очиқ бошқарув тамойилларини жорий этиш замонавий демократик жамиятларнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Бу борада жамоатчилик маслаҳат кенгашлари (ЖМК) фуқаролар ва давлат ўртасида самарали мулоқот платформаси сифатида хизмат қилади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, бундай кенгашларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳар бир давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий тизими ва миллий қадриятларига мос равишда турлича шаклланган.



СИНГАПУР: "Халқ билан бирга бошқариш" ва ихтисослашув

Сингапур Республикаси давлат бошқарувида инновацион ёндашувларни самарали жорий этган ва жамоатчилик иштирокини кенг таъминлаш борасида халқаро миқёсда етакчи мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилади. Ушбу давлатда "халқ билан биргаликда бошқариш" тамойилига асосланган тизимли ёндашув амал қилиб, у давлат органлари ва жамият ўртасидаги ўзаро ишончли ва барқарор ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади. Жамоатчилик маслаҳат кенгашлари мазкур тизимнинг муҳим институционал элементи сифатида давлат сиёсатини шакллантириш ва ижтимоий қатламлар манфаатларини ифода этишда катта аҳамият касб этади.

Сингапурдаги ЖМКларнинг ўзига хос жиҳати уларнинг тор соҳаларга ихтисослашганидадир. Кенгашлар фақат умумдавлат масалалари билан чекланиб қолмасдан, балки ёшлар сиёсати, гендер тенглиги, ижтимоий ҳимоя, атроф-муҳит муҳофазаси ва маданият каби аниқ йўналишлар бўйича алоҳида шакллантирилади. Ҳар бир кенгаш ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан мувофиқлаштирилган ҳолда фаолият олиб боради. Бу эса муаммоларни профессионал даражада таҳлил қилиш ва аниқ ечимлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Кенгаш аъзоларининг фаолияти тўлиқ кўнгиллилик асосида бўлиб, уларга иш ҳақи ёки моддий компенсация тўланмайди. Бироқ Сингапур ҳукумати жамоатчилик етакчиларини рағбатлантиришнинг самарали номоддий механизмларини жорий этган. Масалан, фаол аъзоларга махсус автотурар жой имтиёзлари берилади, уларнинг фарзандларини мактабга жойлаштиришда устуворлик тақдим этилади ва уй-жой дастурларида алоҳида имкониятлар яратилади.
Бундай ёндашув жамоатчилик ишини нафақат масъулият, балки юқори ижтимоий мақом белгисига айлантирган.

Сингапур моделида ЖМКлар эксперт-таҳлилий орган сифатида давлат қарорларини қабул қилиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Улар расмий ваколат орқали эмас, балки аҳоли фикрини агрегатлаш ва маҳаллий тажрибани ҳокимиятга етказиш орқали «ҳамкорлик бошқаруви» (collaborative governance) моделини юзага келтиради. Давлат эса ўз навбатида ушбу тузилмаларни марказлашган ҳолда мақсадли молиялаштиради ва уларни зарур инфратузилма (жамоат марказлари, офислар) билан бепул таъминлайди.

Сингапурда маҳаллий даражада аҳоли билан давлат ўртасидаги мулоқотни таъминлаш мақсадида турли жамоатчилик маслаҳат органлари ташкил этилган. Уларнинг энг муҳимларидан бири — "Citizen's Consultative Committee" (Фуқаролар маслаҳат қўмитаси, ССС) ҳисобланади. Ушбу тузилмалар шаҳарча (town/community) даражасида фаолият юритиб, аҳоли эҳтиёжлари ва давлат сиёсати ўртасида "кўприк" вазифасини бажаради.

Қуйида Янг Ти (Yew Tee) шаҳарчасидаги ССС мисолида таҳлил келтирилади.

Янг Ти Citizens' Consultative Committee (CCC) – Yew Tee Citizens' Consultative Committee

Ташкил этилиш мақсади.

> СССлар Сингапурда 1965 йилдан бошлаб ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси: аҳоли ва ҳукумат ўртасида мулоқотни таъминлаш; жамоатчилик фикрини йиғиш; маҳаллий муаммоларни аниқлаш; ижтимоий бирдамликни кучайтиришдан иборат.

СССлар People's Association (PA) таркибида фаолият юритади. Уларнинг таркибига:

- маҳаллий фаоллар;
- тадбиркорлар;
- жамоатчилик етакчилари;
- кўнгиллилар;
- маҳаллий депутат маслаҳатчилари киради.

Янг Ти шаҳарчасидаги ССС маҳаллий "Community Club" ҳузурида фаолият юритади ва аҳоли билан мунтазам учрашувлар ўтказиб боради.

Асосий фаолият йўналишлари

1. Аҳоли ва давлат ўртасида воситачилик

ССCнинг энг муҳим вазифаларидан бири — аҳоли фикрини ҳукуматга етказиш ҳисобланади. Қўмита:

- жамоатчилик форумлари;
- очиқ мулоқотлар;
- маҳалла йиғилишлари ташкил қилади.



Бу орқали аҳолининг транспорт, хавфсизлик, коммунал хизматлар, ободонлаштириш, ижтимоий хизматлар бўйича таклифлари давлат органларига етказилади.

2. Маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш

ССCлар Community Improvement Projects Committee (CIPC) маблағлари орқали пиёдалар йўлаклари, болалар майдончалари, велосипед тураргоҳлари, ёпиқ йўлаклар, ҳовли инфратузилмаларини яхшилаш ташаббусларини илгари суради.

Бу жамоатчилик иштирокида маҳаллий муҳитни яхшилаш механизми ҳисобланади.

3. Ижтимоий бирдамликни кучайтириш

ССС миллий байрамлар, маданий фестиваллар, экологик акциялар, ёшлар тадбирлари, эҳтиёжмандларга ёрдам дастурларини ташкил қилиб боради.

Бу эса Сингапурдаги “kampung spirit” — маҳалла ҳамжиҳатлиги муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

4. Инқироз ҳолатларида жамоатчиликни сафарбар қилиш

Масалан ССЧлар COVID-19, денгиз тошқини ёки фавқулодда ҳолатларда, аҳолига ёрдам тарқатиш, озиқ-овқат етказиш, санитария тадбирлари, ахборот тарқатиш ишларини ташкил этиш орқали жамоатчиликка беғараз ёрдам кўрсатган.

Фаолиятнинг институционал хусусиятлари, афзалликлари, аҳоли иштирокининг юқори даражаси, давлат ва жамият ўртасида доимий мулоқот, маҳаллий муаммоларни тезкор аниқлаш, кўнгиллилик маданиятининг ривожланганлиги, қарор қабул қилишда жамоатчилик фикрининг инобатга олиниши.

ССЧнинг қуйидаги камчиликларини санаб ўтиш мумкин:

- ССЧ мустақил сиёсий орган эмас;
- қарор қабул қилиш ваколати чекланган;
- давлат сиёсатига институционал боғлиқлик мавжуд;
- баъзи таҳлилчилар томонидан ҳукумат таъсири кучлилиги қайд этилади.

Сингапурдаги **Citizens' Consultative Committee** (ССЧ)лар маҳаллий бошқарув ва жамоатчилик иштирокининг самарали модели ҳисобланади.
Янг Ти шаҳарчаси мисолида ССЧ аҳоли билан давлат ўртасида воситачилик қилиш, маҳаллий инфратузилмани яхшилаш, ижтимоий бирдамликни кучайтириш ва аҳоли муаммоларини давлат идораларига етказиш вазифаларини амалга оширади. Ушбу тизим Сингапурда маҳаллий демократия ва ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим институционал механизми сифатида баҳоланади.



ГЕРМАНИЯ: Делибератив[1] демократия ва тасодифий танлов

Германия Федератив Республикасида жамоатчилик маслаҳат кенгашлари (Bürgerrat) фуқаролар иштирокига асосланган замонавий демократик институт сифатида изчил шаклланиб келмоқда. Бу кенгашлар давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончли мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда узоқ муддатли, барқарор қарорлар қабул қилиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Германия тажрибаси маслаҳатлашув жараёнида нафақат экспертлар, балки оддий фуқароларнинг ҳам фаол ролини таъминлашга қаратилган.

Германия моделининг энг инновацион жиҳати кенгаш аъзоларининг "тасодифий танлов" (sortition) асосида шаклланишидир. Бунда аъзолар жамиятнинг реал демографик манзарасини акс эттириши учун ёш, жинс, ҳудуд ва касб каби мезонлар асосида лотерея усулида танлаб олинади. Бундай ёндашув кенгашнинг сиёсий партиялар ёки мансабдор шахслар таъсиридан мустақил бўлишини ва жамиятнинг "овози" бўлишини кафолатлайди. Бу кенгашлар доимий орган эмас, балки муайян муаммони (масалан, иқлим ўзгариши ёки рақамли трансформация) муҳокама қилиш учун вақтинчалик тузилади.

Кенгашлар фаолиятининг барча босқичлари — муҳокамалардан тортиб, якуний тавсияларгача — оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформалар орқали кенг жамоатчиликка очиқ етказилади. Жамоатчилик кенгашлари томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар Парламент ва ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади. Давлат органлари ушбу тавсияларнинг қай даражада инобатга олингани ҳақида жамоатчиликка очиқ ҳисоботлар тақдим этади ва бу демократик бошқарувни мустаҳкамлайди.

Германия тажрибасининг муваффақияти кучли сиёсий ирода ва етарли молиявий-ташкилий ресурсларга боғлиқ. Кенгашлар фаолияти давлат ва нодавлат жамғармалари томонидан молиялаштирилади ва жараён мустақил ташкилотлар томонидан модерация қилинади. Бу холис, сифатли ва илмий асосланган муҳокамалар учун замин яратади. Гарчи тавсиялар ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлмаса-да, уларнинг ижтимоий-сиёсий вазни жуда юқори ҳисобланади.

---

[1] **Делибератив** *(лотинча "deliberatio" – маслаҳатлашиш, ўлчаш, мулоҳаза юритиш)*
Сиёсий фалсафада ушбу атама қарор қабул қилишдан олдин далилларни ҳар томонлама кўриб чиқиш ва жамоавий мулоқот жараёнини англатади. Делибератив демократия назариясининг замонавий асосчиларидан бири немис файласуфи ва социологи Юрген Хабермас (Jürgen Habermas) ҳисобланади. Унинг фикрича, демократик қонунийлик фақат "коммуникатив ҳаракат", яъни фуқароларнинг оқилона ва очиқ мулоқоти орқали таъминланиши мумкин.

Қуйида мисолда **Германиянинг Дуйсбург шаҳридаги Интеграция кенгаши** ҳақида маълумот берилади.

Дуйсбург шаҳри Интеграция кенгаши *(Integrationsrat der Stadt Duisburg)*

Ташкил этилиш мақсади

> Кенгашнинг асосий вазифаси — мигрантлар, чет элликлар ва турли этник гуруҳларнинг шаҳар бошқарувида иштирокини таъминлаш ҳамда уларнинг манфаатларини маҳаллий ҳокимият органларига етказишдан иборат.

Ташкилий тузилиши

Дуйсбург Интеграция кенгаши 27 нафар овоз бериш ҳуқуқига эга аъзодан ташкил топган:

18 нафари
мигрант аҳоли томонидан тўғридан-тўғри сайланади;

9 нафари
шаҳар кенгаши (Rat der Stadt) томонидан тайинланади.

Бу тизим жамоатчилик ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади.

Асосий вазифалари

Кенгаш фаолияти давомида шаҳар кенгашига интеграция сиёсати бўйича таклифлар бериш, миграция, таълим, тил ўрганиш, меҳнат бозори ва ижтимоий мослашув масалаларини муҳокама қилиш, мигрантларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, турли миллат вакиллари ўртасида ижтимоий ҳамжиҳатликни кучайтиради.

Фаолият механизми

Кенгаш мунтазам йиғилишлар ўтказиб боради ва қабул қилинган тавсиялар шаҳар маъмурияти ҳамда депутатлар томонидан кўриб чиқилади. У мустақил маслаҳат органи ҳисобланса-да, унинг қарорлари сиёсий қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Демократик аҳамияти


Германияда бундай кенгашлар аҳолининг турли қатламларини бошқарув жараёнига жалб қилиш, ижтимоий интеграцияни кучайтириш, жамоатчилик иштирокини институционаллаштириш, маҳаллий демократияни ривожлантириш воситаси сифатида баҳоланади.

Ҳуқуқий асос

Интеграция кенгашлари Германиянинг айрим федерал ерларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади. Масалан, Шимолий Рейн-Вестфалия ер қонунининг 27-моддасида Integrationsrat ташкил этиш тартиби белгиланган.

Хулоса

Германиядаги жамоатчилик маслаҳат кенгашлари давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот механизми сифатида муҳим аҳамиятга эга. Дуйсбург шаҳри Интеграция кенгаши мисолида кўриш мумкинки, ушбу институт аҳолининг турли гуруҳларини қарор қабул қилиш жараёнига жалб этиш, ижтимоий муаммоларни муҳокама қилиш ва маҳаллий бошқарув очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.



ФРАНЦИЯ: Маҳаллий йўналтирилганлик ва ижтимоий шартнома

Францияда “Фуқаролар маслаҳат кенгашлари” (Conseils de citoyens) маҳаллий бошқарув тизимида фуқаролар иштирокини кенгайтиришнинг муҳим инструменти ҳисобланади. Ушбу кенгашлар, асосан, шаҳар коммуналари ва туманлар миқёсида ташкил этилиб, аҳолининг кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатувчи муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган. Франция моделида жамоатчилик иштироки давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги “ижтимоий шартнома” концепцияси асосида институционал мустаҳкамланган.

Кенгашлар таркибини шакллантиришда вакиллик ва ижтимоий хилма-хилликка алоҳида эътибор қаратилади. Аъзоларнинг бир қисми тасодифий танлов орқали, қолган қисми эса фаол фуқаролар ва ННТ вакилларидан иборат бўлади. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган ҳудудларда бундай кенгашларнинг роли жуда муҳим бўлиб, улар аҳоли эҳтиёжларини маҳаллий ҳокимиятга етказишда асосий восита ҳисобланади.

Франция ЖМКлари маҳаллий ҳокимият (мэрия) билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Улар шаҳар ривожланиш дастурларини муҳокама қилиш, инфратузилма лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва жамоат жойларини ободонлаштириш каби масалаларда фаол иштирок этади. Кенгашларнинг асосий мақсади — мураккаб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда умумий келишувга (консенсус) эришишдир.

Францияда маҳаллий даражадаги жамоатчилик маслаҳат кенгаши

Париж шаҳри 15-округидаги “Conseil de quartier” (квартал кенгаши) фаолияти таҳлили

Францияда маҳаллий демократияни ривожлантиришнинг муҳим институтларидан бири — “Conseil de quartier” (квартал кенгашлари) ҳисобланади. Ушбу кенгашлар фуқароларнинг шаҳар бошқарувида иштирокини таъминлаш, маҳаллий муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳокимият билан аҳоли ўртасида мулоқот ўрнатиш мақсадида ташкил этилган.

2002 йилда қабул қилинган **“Яқин демократия тўғрисидаги қонун”** *(Loi relative à la démocratie de proximité)* асосида **80 мингдан ортиқ** аҳолига эга шаҳарларда бундай кенгашларни ташкил этиш мажбурий ҳисобланади.

Ташкилий тузилиши

Парижнинг 15 округида 10 та квартал кенгаши фаолият юритади. Ҳар бир кенгаш 24 нафар асосий ва 16 нафар захира аъзолардан ташкил топади. Аъзолар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- аҳоли вакиллари;
- маҳаллий депутатлар;
- жамоат ташкилотлари вакиллари;
- фаол фуқаролар.

Кенгаш аъзоларининг бир қисми қуръа ташлаш орқали танланади. Бу эса жараёнда турли ижтимоий қатламлар иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Асосий вазифалари

Квартал кенгашларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли муаммоларини муҳокама қилади;
- шаҳар инфратузилмаси бўйича таклифлар беради;
- транспорт, хавфсизлик, экология ва ободонлаштириш масалалари юзасидан фикр билдириб боради;
- маҳаллий бюджет маблағларини йўналтириш бўйича ташаббуслар кўрсатади;
- аҳоли ва муниципал ҳокимият ўртасида воситачилик қилади.

Фаолият механизми

1. Фуқаролар иштирокининг институционаллашган тизими

Францияда кенгашлар расмий муниципал тизим таркибига киритилган.
Бу жамоатчилик иштирокининг доимий ва ҳуқуқий асосланган шаклини яратади.

2. Муаммоларни “қуйидан юқорига” етказиш

Кенгашлар аҳолининг кундалик муаммоларини маҳаллий ҳокимиятга тўғридан-тўғри етказади. Масалан кўча ёритиш, чиқиндилар, йўл таъмири, яшил ҳудудларни сақлаш, жамоат хавфсизлиги каби масалалар мунтазам муҳокама қилинади.

3. Маслаҳат органи сифатидаги хусусияти

Кенгаш қарор қабул қилмайди, балки тавсия ва таклифлар беради. Яъни, у консультатив орган ҳисобланади. Аммо амалиётда маҳаллий ҳокимият жамоатчилик фикрини инобатга олишга интилади.

4. Ижтимоий шериклик механизми

Кенгашларда аҳоли, ННТлар, маҳаллий депутатлар ва фаоллар иштирок этади. Бу турли манфаатлар ўртасида мулоқот ва келишув маданиятини шакллантиради.

Бундай ёндашувнинг қуйидаги афзалликларини санаб ўтиш мумкин:


- маҳаллий демократияни кучайтириш;
- аҳолининг давлат бошқарувига ишончини ошириш;
- қарор қабул қилиш жараёнида очиқликни таъминлаш;
- ижтимоий можароларни камайтириш;
- фуқароларнинг фаоллигини ошириш.

Камчиликлари:

- қарор қабул қилиш ваколати чекланганлиги;
- баъзи ҳолларда қатнашувчилар фаоллиги паст бўлиши;
- тавсияларнинг барчаси ҳам амалга ошмаслиги;
- молиявий имкониятлар муниципалитетга боғлиқлиги.

Хулоса

Франциядаги квартал кенгашлари маҳаллий даражадаги жамоатчилик иштирокининг самарали институти ҳисобланади. Париж 15-округи мисолида ушбу кенгашлар аҳоли ва ҳокимият ўртасида мулоқот платформаси вазифасини бажараётгани, маҳаллий муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини таъминлаётгани кўринади. Ушбу тажриба жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ривожлантиришда Ўзбекистон учун ҳам фойдали намуна бўлиши мумкин.



РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ: юмшоқ иштирок ва институционал интеграция

Россия Федерациясининг маҳаллий бошқарув тизими ва ундаги жамоатчилик иштироки модели ўзига хос ҳуқуқий ва амалий хусусиятларга эга. Бу тизимни тўғри тушуниш учун аввало маҳаллий ҳокимиятнинг конституциявий мақомига эътибор қаратиш лозим. Россия тажрибаси назарияда мустақилликка интилган, аммо амалиётда давлат ҳокимияти билан зич интеграциялашган **"юмшоқ иштирок модели"**[2] сифатида тавсифланади.

> *Россиялик тадқиқотчилар (масалан, **Е.Белокурова, Н.Петров, А.Сунгуров**) Жамоатчилик палаталари ва кенгашлари фаолиятини таҳлил қилганда, уларни давлат билан **"юмшоқ ҳамкорлик"** ёки **"институционал маслаҳат"** тузилмалари сифатида таърифлайдилар. Бу моделда давлат жамоатчиликка **"минбар"** беради, лекин якуний қарорни ўз назоратида сақлаб қолади.*

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий мақоми

Россия Федерацияси Конституциясига биноан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш *(местное самоуправление — МСУ)* алоҳида институт сифатида эътироф этилган бўлиб, у давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди. Назарий жиҳатдан, маҳаллий ҳокимият бўғинлари бўлган Мэр (маҳаллий ижро этувчи ҳокимият раҳбари) ва Дума (муниципал вакиллик органи) муниципал тузилмалар ҳисобланади ва ўз ваколатлари доирасида давлатдан мустақилдир. Ушбу классик модел маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни аҳоли томонидан мустақил ҳал этилишини кўзда тутади.

Бироқ амалиётда ушбу мустақиллик бир қатор омиллар сабабли чекланган ва "Ягона оммавий ҳокимият тизими" концепцияси доирасида давлат ҳокимияти билан узвий боғланган. Бу боғлиқлик биринчи навбатда молиявий қарамликда намоён бўлади: аксарият муниципалитетлар ўз бюджетларини шакллантиришда юқори турувчи давлат бюджетларига (федерал ёки регионал) таянади. Шунингдек, кадрлар сиёсатида ҳам давлатнинг таъсири кучли бўлиб, мэрлар кўп ҳолларда бевосита давлат ҳокимиятининг қўллаб-қувватлаши ёки тавсияси асосида шаклланадиган сайлов тизими орқали фаолият бошлайди.

---

[2] *Arnstein, S. R. (1969), "A Ladder of Citizen Participation", Journal of the American Institute of Planners.*

Жамоатчилик кенгашларининг интеграциялашган роли.

Мана шундай **"расмий мустақиллик ва амалий интеграция"** шароитида Жамоатчилик кенгашлари ва палаталари давлат билан аҳоли ўртасидаги асосий мулоқот платформаси вазифасини бажаради. Россияда жамоатчилик назорати уч поғонали (федерал, регионал ва муниципал) ҳуқуқий базага эга бўлиб, кенгашлар нафақат муниципал органлар, балки давлат ҳокимиятининг ҳудудий бўлинмалари устидан ҳам назорат олиб боради. Бу кенгашлар ҳокимият қарорларини ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва аҳолининг "юмшоқ" розилигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Москва шаҳар Жамоатчилик палатаси мисолида кўриш мумкинки, бундай тузилмалар тўлиқ мустақил эмас, бироқ давлат бошқарувида **"ижтимоий фильтр"**[3] вазифасини бажаради. Кенгаш аъзолари (ННТ вакиллари, экспертлар, жамоат арбоблари) шаҳарни ободонлаштириш, транспорт ва ижтимоий хизматлар бўйича ҳокимиятга расмий тавсиялар берадилар. Якуний қарор барибир ижро этувчи ҳокимият (маъмурият) томонидан қабул қилинади, лекин жамоатчилик фикрининг институционал шаклда тақдим этилиши бошқарув шаффофлигини маълум даражада таъминлайди.

Россия моделининг ўзига хос формуласи

Россия тажрибаси жамоатчилик кенгашлари муниципал ва давлат ҳокимияти ўртасидаги чизиқлар туташган нуқтада фаолият юритишини кўрсатади. Бу ерда **Жамоатчилик кенгаши = маслаҳат органи + жамоатчилик платформаси + чекланган таъсир механизмидир.** Ушбу модель қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини таъминлаш билан бир қаторда, давлатнинг марказий бошқарув ролини сақлаб қолишга хизмат қилади. Ўзбекистон шароитида ушбу тажрибанинг ҳуқуқий базани тизимлаштириш ва кенгашларни ҳокимият тузилмаларига институционал интеграция қилиш жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади.

---

[3] *Habermas, J. (1989). The Structural Transformation of the Public Sphere.*



ГРУЗИЯ: Қарор қабул қилиш жараёнида Кенгашларнинг иштироки.

Грузия давлатида жамоатчилик Кенгашлари тузилмасининг ўзига ҳос, бошқалардан ажралиб турган қатор ҳусусиятлари мавжуд. Масалан, **маҳаллий бюджет, қурилиш режаси, ҳудудларнинг географик номланиши ва бошқа барча муҳим соҳалардаги қабул қилиниши лозим бўлган маъмурий-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаси жамоатчилик Кенгашлари томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланганидан сўнг давлат органи томонидан имзоланади.**

Ушбу мамлакатда бошқарувда жамоатчилик ролини ошириш, муниципалитетларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича зарур қонунчилик асослари яратилганлигини кўришимиз мумкин. Аксарият вакиллик ва ижро тўзилмалари таркиби сайлов орқали шакллантирилади.

Шунингдек, ушбу Жамоатчилик Кенгаши тузилмаси **“Маслаҳатчилар фуқаролик кенгашлари”** номи билан юритилиб, муниципалитетлар қошидаги ташкил этилган тузилма ҳисобланади. Ушбу маслаҳат органи фаол фуқаролар, нодавлат ташкилотлари вакиллари ва юридик мақомга эга тадбиркорлик субъектларидан иборат бўлиб, камида **10 нафарлик** таркиб Мэр томонидан тасдиқланади.

Маслаҳатчилар фуқаролик кенгаши ижро органи ҳузуридаги таъсирчан демократик механизм бўлиб, жамиятда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини инобатга олиш, коллегиал тарзда қарорлар қабул қилиш, коррупцияни олдини олиш ва бошқа муҳим функцияларни бажаради.

Янада эътиборлиси, Маслаҳатчилар фуқаролик кенгаши таркибида бир ҳил жинс вакиллари жами аъзолар сонини **камида учдан бир қисмини** ташкил этиши зарурлиги ҳисобланади. Кенгаш таркибида бир ҳил жинс вакиллари жами аъзолар сонини камида учдан бир қисмини ташкил этмаган тақдирда Кенгаш фаолияти ваколатли ҳисобланмаслиги белгиланган. Бу талаб гендер тенгликни таъминлашга қаратилган бўлиб, ҳудудларни бошқарув жараёнида жамиятдаги хотин-қизларнинг манфаатларини ҳам инобатга олинишини таъминлайди.

Грузия Республикасида жамоатчилик Кенгашлари аҳоли манфаатларини кўзлаб фаолият юритаётганлиги ўз навбатида халқнинг ушбу тузилмага нисбатан ишончи янада ортаётганлигини кўрсатади.

Яна бир муҳим жиҳат, Грузияда 2014 йил 5 февралда қабул қилинган Грузиянинг **органик, яъни конституцион Қонунига** эътибор қаратиш лозим. Ушбу хужжат маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга ошириш, тузилмаларнинг ваколатлари, уларни ташкил этиш ва фаолият олиб боришини тартибга солувчи **Грузиянинг ўзини-ўзи бошқариш Кодекси ҳисобланади.**

Ушбу Кодексга кўра, маҳаллий ижро органлари раҳбари, яъни Мэр 4 йил муддатга тўғридан-тўғри сайлов йўли билан сайланиши ва вакиллик органи ҳисобланган Муниципалитет Мажлиси олдида ҳисобдорлиги белгиланган.

Давлат ҳокимияти органлари ва давлат идоралари фаолиятини мониторинг қилишга маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар, фаол фуқароларни кенгроқ жалб этилиши, шунингдек, фуқароларни бошқарувдаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ҳудуд аҳолисининг умумий мажлисларини ўтказиш, мажлисларда Мэр ҳисоботини эшитиш, Муниципалитет мажлиси йиғилишларида жамоатчиликнинг иштирок этишини кўрсатиш мумкин.

Юқоридагилардан келтирилганлардан, Грузияда жамоатчилик кенгашларига катта ваколатлар берилганлиги, уларнинг фаолияти хусусида кенг жамоатчилик яқиндан хабардор эканлиги, давлат идораларининг фуқаролар ва кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги, халқнинг розилиги ва мамлакат ривожланишида муҳим аҳамият касб этётганлигини кўрсатади.

1.3. ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ: ИЛҒОР АМАЛИЁТЛАР ВА САМАРАЛИ МОДЕЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистонда Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини баҳолашнинг янги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентнинг ПФ-124-сонли Фармони ижроси доирасида бошланди. “Юксалиш” ҳаракати томонидан 2025 йил якунлари бўйича ўтказилган давлат органлари ҳузуридаги ЖКларни баҳолаш мониторинги[4] натижалари ЖКларнинг давлат бошқарувидаги реал ўрнини аниқ кўрсатиб берди.

Баҳолаш 23 баллик тизим асосида 5 та ташкилий индикатор ва 4 та қўшимча мезон (ПФ-124 талаблари) бўйича амалга оширилди.

---

[4] *https://yuksalish.org/uz/news_detail/861*

Қуйида мониторинг натижаларига кўра **"Фаолликда етакчи"** гуруҳидан жой олган энг намунали кенгашлар тажрибаси таҳлил қилинади.

→ Вазирликлар тизимидаги етакчилар

Мониторинг натижаларига кўра, **Адлия, Экология, Олий таълим, фан ва инновациялар** ва **Рақамли технологиялар** вазирликлари ҳузуридаги ЖКлар республикада энг юқори кўрсаткични қайд этган.

→ Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги ЖК

Ушбу кенгашнинг кучли тарафи унинг ахборот майдонидаги фаоллиги ва аъзоларининг махсус тренинглардан ўтганлиги билан асосланади. Кенгаш таркибига Kun.uz каби етакчи ОАВ вакилларининг киритилгани соҳадаги мураккаб муаммоларнинг (дарахтлар кесилиши, атмосфера ифлосланиши) жамоатчилик назорати остида бўлишини таъминламоқда.

→ Адлия вазирлиги ҳузуридаги ЖК

Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ЖК аъзоларини моддий рағбатлантириш тизими жорий этилганлиги ПФ-124-сонли Фармон талабларининг 100% бажарилишига мисол бўла олади. Бу аъзоларнинг мотивацияси ва кенгашнинг институционал барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

→ Агентликлар ва Қўмиталар ҳузуридаги ЖКлар

Агентликлар орасида **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**, қўмиталар орасида эса **Дин ишлари бўйича қўмита** юқори ўринда эътироф этилган.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги ЖК давлат органлари томонидан ижтимоий буюртма лойиҳаларини танлаб олиш жараёнида ЖК аъзоларининг иштирокини тўлиқ таъминлаган. Бу ЖКнинг нафақат маслаҳатчи, балки молиявий маблағлар тақсимланишида назоратчи сифатидаги роли юқорилигини кўрсатади.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ҳузуридаги ЖК истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича расмий тақдим этилган ташаббус ва тавсиялар сони бўйича юқори кўрсаткичга эгалиги билан ажралиб турган.

→ Маҳаллий давлат бошқарув органлари ҳузуридаги ЖКлар

Вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги ЖКлари рейтингида Қашқадарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мутлақ етакчи ҳисобланади.

→ Қашқадарё вилояти ҳокимилиги ҳузуридаги ЖК тажрибаси:

Кенгаш раисининг мақоми фуқаролик жамияти институти вакили сифатида мустаҳкамлангани ва таркибда ННТ улуши 50%дан юқорилиги *(туфайли ҳудудий муаммоларни (йўл қурилиши, ичимлик суви таъминоти)* назорат қилишда ҳокимликдан мустақил позицияни эгаллаган.

→ Бухоро ва Жиззах вилоятлари ҳузуридаги ЖКлар:

Ушбу ҳудудларда кенгашлар фаолиятининг очиқлиги (5 балл) юқори даражада. Улар маҳаллий бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича ижтимоий тармоқларда мунтазам ҳисобот бериб бориш тизимини йўлга қўйганлиги билан ажралиб туради.

Энг самарали амалиётларнинг умумий формуласи

“Юксалиш” ҳаракатининг баҳолаш мезонлари асосида намунали кенгашларнинг 5 та муҳим жиҳатини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. ЖК раисининг давлат органи тизимидан бўлмаган, мустақил ННТ вакили эканлиги (энг муҳим шарт).

2. Кенгашнинг камида 15 нафар аъзодан иборатлиги ва уларнинг 50%дан кўпроғи фукаролик жамияти институтлари вакиллари экани.

3. Йиллик йиғилишлар сони эмас, балки расмий равишда тақдим этилган ва давлат органи томонидан қабул қилинган ташаббус ва тавсияларнинг мавжудлиги.

4. Давлат органи томонидан ЖК аъзоларини ўқитиш, уларга хона ва техника ажратиш ҳамда фаол аъзоларни моддий рағбатлантириш механизми йўлга қўйилганлиги.

5. Кенгашнинг шахсий саҳифаси ёки расмий веб-сайтдаги бўлими орқали жамоатчилик билан доимий мулоқотда бўлиши.

Вазирликлар тажрибаси шуни кўрсатадики, Жамоатчилик кенгаши — бу ҳокимлик ёнидаги “безак” бериб турувчи бир тузилма эмас, балки **ахборот кучига, молиявий ресурсга ва қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мустақил институтдир.** Туман ҳокимликлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари юқоридаги 4 та ижобий тажрибаларни ўз низомлари ва иш режаларига татбиқ этсаларгина, уларнинг ишида ҳақиқий **“Юксалиш”** бўлади. Туман кенгаши йилига 100 марта йиғилиш ўтказиши шарт эмас. Лекин йилига камида 4 та (ҳар чоракда битта) туман ҳокимининг қарорини ўзгартиришга ёки янги дастур қабул қилинишига асос бўладиган "профессионал тавсиялар пакети"ни тайёрлаши керак.

II БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ *(I Модул)*

2.1. КЕНГАШ ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ МЕРИТОКРАТИЯ ТАМОЙИЛИ

Жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш механизми амалда ишчи гуруҳ фаолияти орқали амалга оширилади. Бунда ишчи гурух давлат органи раҳбари билан келишув учун Жамоатчилик кенгаши таркибини ва ЖК раислигига таклиф этилаётган номзодлар рўйхатини тақдим этади. Жамоатчилик кенгаши аъзолари Давлат органи ва жамоатчилик кенгаши таркибига таклиф этилаётган номзодлар иштирокидаги йиғилишда сайланади ва Давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланади.

Жамоатчилик кенгаши раиси фуқаролик жамияти институти вакилларидан сайланади *(ушбу норма ЎзРесп Президентининг 2024 йил 26 август кунги 124 сонли Фармойиши билан белгиланган).*

Қуйида Жамоатчилик кенгашини ташкил этилиши босқичма-босқич кўриб чиқилади.

Амалиётда Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш учун давлат органи раҳбари томонидан қарор қабул қилинади. Масалан. бунинг учун туман ҳокими Туман ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ишчи гурух таркибини белгилайди.

Қарор чиққанидан сўнг ташкилий гурух жамоатчилик кенгаши таркибига номзодларни танлашни бошлайди. Бунда Жамоатчилик кенгаши ташкил этилаётганлиги ҳақида танлов ўтказилишидан 15 кун олдин эълон берилади (маҳаллий ОАВ ларида ёки давлат органи сайтида).

Жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, давлат органида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларидан номзодлар киритилади.

Агар туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилаётган жамоатчилик кенгашининг таркибига номзодлар танланаётган бўлса ижтимоий ҳимоя, коммунал, экология, тиббиёт, таълим, маданият соҳаларида кўп йиллик тажрибаси бор номзодларни таклиф этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга албатта кенгаш таркибида ҳуқуқшунос бўлгани мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Номзодлар ичида ОАВлари, Нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда махалла фуқаролар йиғинлари вакиллари бўлиши тавсия этилади.

Танлаб олинган номзодларнинг ҳар бири билан алохида сухбат ўтказилади. Номзодга Жамоатчилик кенгашининг функциялари, унинг жамоатчилик асосида фаолият юритиши ва назорат функциялари шаффофлик, холислик, қонунийлик тамойиллари асосида олиб борилиши атрофлича тушунтирилади. Бунда номзод жамоатчилик асосида ишлашга розилик бериши керак.

Сухбат ўтказилганидан сўнг шаклланган рўйхат давлат органи раҳбарига танишиш учун тақдим этилади ва сайлов ўтказиш куни вақти белгиланади.

Сайлов давлат органи ходимлари, бўлим ва бошқармалар раҳбарлари иштирокида ўтказилади ва номзодларга очиқ/ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

Сайлов олдидан сайланадиган аъзолар сони эълон қилинади ва энг кўп овоз олган номзодлар сайланган деб хисобланади.

Жамоатчилик таркиби шаклланганидан сўнг Кенгашнинг йиғилишида Кенгаш раиси ва масъул котиб муқобиллик асосида сайланади.

Хар бир жараён Баённома билан расмийлаштирилади ва сайлов якунланганидан кейин Давлат органи раҳбарининг қарори қабул қилинади.

Жамоатчилик кенгашининг таркиби давлат органи раҳбарининг қарори билан ҳар 3 йилда тасдиқланади. Ушбу қоида (ПҚ-3837 04.06.2018 й нинг иловаси билан тасдиқланган Намунавий Низомда келтирилган.

Эътиборли жихат!
Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг сони 15 нафардан кам бўлмаган холда, умумий сонининг 50 % Фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва 25 % фуқаролар ташаббуси билан ташкил этилган ННТ вакиллари бўлади.

2.2. КЕНГАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ, ҲУҚУҚЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Жамоатчилик кенгаши вазифалари қуйидагилардан иборат:

- қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- биргаликда мулоқот қилиш, давлат органининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;

- давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш;

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

- давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

- давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- давлат органининг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни жойлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлаш;

- давлат органи фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- давлат органи фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- давлат органлари ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

Кенгашнинг 5 та асосий устуни



Жамоатчилик кенгашининг ҳуқуқлари:

- давлат органи томонидан ташкил этиладиган бўлажак очиқ ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

- давлат органининг, жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотларининг бинолари (хоналари) ва бошқа объектларини давлат органи томонидан белгиланган тартибда бориб кўриш;

- давлат органи, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тасарруфидаги ташкилотлари раҳбарларига жамоатчилик кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;
- давлат органи фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган давлат органининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш;
- давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни кўриб чиқиш;
- давлат органининг қонун ижодкорлиги фаолиятида, давлат органи томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;
- жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига давлат органи томонидан берилган жавобларнинг сифатини танлаб олган ҳолда таҳлил қилиш;
- давлат органи ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;
- жамоатчилик кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;
- юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.

Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш.



Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини Намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширади *(ПҚ-3837 04.06.2018 й нинг 3 банд 3 хатбоши).*

Намунавий Низом асосида ЖК нинг низоми ишлаб чиқилади.

Низом ЖК умумий йиғилишида мухокама қилинади ва тасдиқланади. Шундан сўнг **Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом ва унга киритиладиган ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар давлат органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланади.**

Ушбу қоида (ПҚ-3837 04.06.2018 й нинг иловаси билан тасдиқланган Намунавий Низомда келтирилган

Давлат бошқаруви органи фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда Жамоатчилик кенгашининг йиллик иш режалари ишлаб чиқилади. Кўриладиган масалалар Жамоатчилик кенгашига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб шакллантирилади.

Жамоатчилик кенгаши амалиётда хар чоракда бир маротабадан кам бўлмаган холда ўз йиғилишларини ташкил этиб боради. Кун тартибига киритилаётган масалалар Давлат органи раҳбари билан келишилган холда, хар бир масалага ёндашув, масалани атрофлича ўрганиб чиқиш учун саволнома тузиш ва саволнома бўйича маълумотларни шакллантириши мумкин бўлган экспертлар рўйхати тузилиши керак.

2.3. ЙИЛЛИК ИШ РЕЖАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ АЛГОРИТМИ



Жамоатчилик кенгашининг иш режасини ишлаб чиқиш

Иш режаси — жамоатчилик кенгаши фаолиятининг "йўл харитаси"дир.
У Кенгашнинг аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш, ресурсларни самарали тақсимлаш, натижаларни баҳолаш имконини беради.



Маълумотлар йиғиш босқичи

Иш режа тузишдан олдин аниқ ва ишончли маълумотлар йиғиш муҳим ҳисобланади.

Бунда асосий манбалар қуйидагилар ҳисобланади:

- аҳоли мурожаатлари (халқ қабулхоналари, онлайн платформалар);
- ижтимоий сўровлар ва анкета;
- оммавий ахборот воситалари таҳлили;
- давлат дастурлари ва ҳудудий ривожланиш режалари;
- маҳаллий муаммолар (йўл, сув, ишсизлик ва ҳ.к.).

Маълумотлар йиғишнинг амалий усуллари:

- Фокус-группа муҳокамалари;
- Жойларга чиқиб ўрганиш;
- Мутахассислар ва ННТлар билан учрашувлар.

Муаммоларнинг устуворлилигини белгилаш

Барча йиғилган маълумотлар таҳлил қилиниб, устувор йўналишлар белгиланади. Масалан, ижтимоий ҳимоя, бандлик, коммунал хизматлар, таълим ва тиббиёт.

Бунда устуворлик мезонлари қуйидагилардан иборат бўлади:

аҳолига таъсир даражаси; — муаммонинг долзарблиги; — ҳал қилиш имконияти.

Иш режасини ишлаб чиқиш

Жамоатчилик кенгашининг **иш режаси** қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

мақсад (масалан: аҳоли мурожаатларини камайтириш);

вазифалар (аниқ чора-тадбирлар);

муддатлар (ой, чорак кесимида);

масъуллар (кенгаш аъзолари ёки ишчи гуруҳлар).

Кутилаётган натижа

Туман миқёсида масалани кенгашда кўриб чиқиш ва ижро ҳокимиятига етказишга мисол:



Муаммо:

ичимлик суви таъминоти



Тадбир:

аҳоли ўртасида ўрганиш ўтказиш



Муддат:

1-чорак



Натижа:

муаммоли ҳудудлар рўйхати

Мониторинг ва баҳолаш

Жамоатчилик кенгашларининг белгилаб олган иш режаси бажарилиши ҳар ойлик ёки чораклик ҳисоботлар, очиқ йиғилишлар ва аҳоли фикрини қайта ўрганиш орқали доимий назоратда бўлиши керак.

Самарали иш режаси реал маълумотларга, аниқ ва ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичларга таяниши ва аҳоли манфаатларини акс эттириши керак.

Жамоатчилик кенгаши фаолияти қанчалик тўғри режалаштирилса, туман ҳокимлиги билан аҳоли ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик шунчалик мустаҳкамланади.

Жамоатчилик кенгаши учун иш режа тузилганида муаммони хал этишни кўзда тутувчи Давлат ижтимоий буюртмаси ёки Давлат грант лойихаси ишлаб чиқишни, кейинчалик эса бу лойихаларни давлат ижтимоий буюртмасига киритишни кўзда тутиши керак. Бунда Жамоатчилик кенгаши ўз йиғилишида лойихани молиялаштиришга тавсия қилиб баённома билан тасдиқлайди.

Мисол келтирамиз:

туман ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши **“Қораёзбобо”** МФЙ ҳудудида аҳоли мурожаатларини ўрганиб ичимлик суви таъминотида муаммолар борлигини аниқлади ва мутахассислар иштирокида ечим таклиф этмоқда.

Йўналиш:

Марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти мавжуд бўлмаган аҳоли яшаш пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш (Ўзбекистон Республикасининг 22.07.2022 йилдаги ЎРҚ-784-сон Қонуни).

Асос (манба):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.10.2023 йилдаги ПҚ-343-сон қарори 6-иловаси.

Мақсад:

Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани **"Қораёзбобо"** МФЙ аҳоли яшаш пунктини ичимлик суви билан таъминлаш.

Вазифалар:

Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани "Қораёзбобо" МФЙда давлат ижтимоий буюртмаси асосида ичимлик сув таъминоти тизимини яхшилаш учун 1 та ичимлик иншоотини қуриш ва 5,5 км ичимлик сув тармоқларини қуриш.

Кутилаётган натижа:

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани "Қораёзбобо" МФЙда истиқомат қилувчи 2239 нафар аҳолини ичимлик суви билан таъминланади.

Баённома тегишли тартибда Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб қувватлаш жамоат фонди платформасига жойланади ва бу масалани Парламент комиссияси кўриб чиқади.

Ёки ижтимоий ҳузурига эга бўлган кичик лойихалар ҳақида хам қарорлар бўлиши мумкин. Мисол учун ахолининг уй хўжаликларида асаларичиликни ривожлантириш мақсадида кичик хўжаликларга асалари болини йиғиш, парваришлаш ва касалликларга қарши кураш ишларини йўлга қўйиш учун сервис хизматини ташкил этиш орқали 60 та оилада асаларичиликни ривожлантириш.

Ўз навбатида бу ёшларни банд қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, ҳамда шу орқали оилавий зиддиятларни камайтиришга хизмат қилади.

Мисол тариқасида туман ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг қуйидаги иш режасини тақдим этамиз:

№	Ўрганишдан мақсад	Вазифалар	Муддат	Масъул	Кутилаётган Натижа
1.	Туман ҳокимлигининг йиллик иш режасини тасдиқланаш	Кенгаш аъзолари ўртасида вазифалар тақсимоти. Йил давомида Жамоатчилик кенгаши ўрганадиган масалалар мухокамаси	Январ	Жамоатчилик кенгаши раиси Масъул котиб	Олдинги йил якунларига кўра тумандаги асосий ижтимоий муаммолар тахлилига асосланган холда ўрганиладиган масалалар аниқланади. Натижалар бўйича жамоатчилик эшитуви ўтказилади.
2.	Туманда ёшларнинг мехнат миграциясига чиқишини мониторинг қилиш, узоқ муддатли миграциядаги фуқаролар холатини аниқлаш.	Туманда ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали оила даромадларини кўтариш ва оилавий зиддиятларни камайтириш.	Январ-март	Кенгаш аъзолари Рўйхат	Ўрганишлар натижасида оиласи билан алоқаси узилган ва оилани моддий таъминотини ўз зиммасидан соқит қилган фуқаролар аниқланади. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аёллар ва ёшларни қўллаб қувватлаш амалга ошрилади.

3.	Тумандаги устувор деб топилган ижтимоий муаммоларни хал этиш учун инвестициялар, давлат ижтимоий буюртмалари ва ижтимоий лойихаларни ўрганиш.	Туманда қишлоқ ахоли фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш , тадбиркорликни ривожлантириш, экология йўналишларида амалга ошириш мумкин бўлган лойихаларни мухокама қилиш.	Май июль	Кенгаш аъзолари, ННТ, ОАВ лари вакиллари	Хар бир лойиха юзасидан экспертлар хулосасини олиш ва вилоят ҳокимлиги ижтимоий шериклик комиссиясига молиялаштириш учун тавсия бериш.
4.	Туманда ёшлар бандлигини таъминлаш учун олиб борилаётган ишлар мониторинги	Туманда умумий таълим мактаблари , техникум, Олий таълим дархонини битирувчиларининг Ишга жойлашуви мониторинги.	Октябрь-ноябрь	Кенгаш аъзолари Рўйхат	Банд бўлмаган ёшлар аниқланади, оилавий тадбиркорликка йўналтириш, кредит ёки субсидия олиш имкониятлари берилади,
5.	Туман ҳокимининг туманни ривожланишини 11 ойлик хисоботини тинглаш ва ечимини кутаётган асосий ижтимоий муаммоларни аниқлаш.	Тумннинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш дастурини 11 ойлик якунларини эшитиш баробарида ҳоким, ҳокимлик бўлим ва бошқармалари хисоботлари акс этган хужжат кўрилади. Кай даржада ижро ҳокимияти ўз зиммасига олган вазифаларни бажаргани назоратга олинади ва таклифлар киритилади	декабрь	Жамоатчилик кенгаши раиси, масъул котиб, Жамоатчилик кенгаши аъзолари	Туандаги асосий ижтимоий муаммолар аниқланади. Таълим , соғлиқни сақлаш, бандлик, инвестицион жозибадорлик, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, коммунал тизим каби йўналишларда хамда камбағалликни қисқартириш йўналишларида истиқболли лойихалар белгиланади.

Илова 2.1

Хоразм вилояти Янгиариқ тумани ҳокимининг Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси

> ***Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида.***
>
> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июн кунги ПҚ–3837 қарори талабларини бажариш ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш

1.1. Хоразм вилояти Янгиариқ тумани ҳокимлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилсин.

1.2. Жамоатчилик кенгаши давлат органи фаолиятида жамоатчилик иштирокини таъминловчи маслаҳат кенгаш органи ҳисоблансин.

2. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

- Туман ҳокимлиги, бўлимлар фаолиятини очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;
- Туман даражасида қабул қилинаётган қарор ва фармойишларнинг лойихалари мухокамасида иштирок этиш ва зарурий холларда жамоатчилик мухокамасидан ўтказишда иштирок этиш;
- Тумандаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар, Оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан илгари сурилган ижтимоий ҳузурига эга бўлган лойихаларни ўрганиш ва улар бўйича хулосалар бериш, энг яхши лойихаларни молиялаштириш учун тавсия қилиш;

- Туман аҳолиси вакилларининг мурожаатларидан келиб чиқиб муаммолар юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш ва тегишли таклифлар киритиш;

- Туман ҳокимлиги, бўлимлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

3. Кенгаш таркибини шакллантириш.

3.1. Жамоатчилик кенгаши таркиби жамиятда обрў эътиборли шахслар, фахрийлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан 15 нафардан кам бўлмаган таркибда 50% аъзолар фуқаролик жамияти институтлари вакиллари бўлиши таъминлансин.

3.2. Кенгаш аъзолигига номзодлар ишчи гурух тайёрлаган рўйхат асосида туман ҳокимлиги фаолларининг йиғилишида очиқ/ёпиқ овоз бериш билан сайлаш йўли билан шакллантирилсин.

3.3. Жамоатчилик кенгаши таркиби ____ нафар аъзодан иборат бўлсин.

3.4. Жамоатчилик кенгаши раиси мукобиллик асосида сайланадиган фуқаролик жамиятининг аъзоси бўлиши таъминлансин.

4. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

4.1. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини тасдиқланган Низом асосида амалга оширсин.

4.2. Жамоатчилик кенгаши йиғилишлари камида ҳар чоракда бир маротаба ўтказилсин.

4.3. Кенгаш қарорлари тавсиявий хусусиятга эга эканлиги аммо қарорларни ҳокимлик томонидан кўриб чиқилиши мажбурий эканлиги белгилансин.

5. Ташкилий чора-тадбирлар

5.1.Ҳокимлик ташкилий назорат гурухи раҳбарига:

- Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Жамоатчилик кенгаши аъзолари ва жамоатчилик кенгаши раиси иштирокида мухокама қилиб **1 ой** муддатда Туман ҳокимига тасдиқлаши учун киритилсин;

- Жамоатчилик кенгаши раиси ва масъул котиб жамоатчилик кенгаши йиллик иш режасини ишлаб чиқиб 1 ой муддатда туман ҳокимига тақдим этишлари белгилансин;

- Кенгаш фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш вазифалари туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари зиммасига юклатилсин.

6. Назорат

Ушбу қарор ижросини назорат қилиш *[лавозим, Ф.И.О.]* зиммасига юклансин.

7. Қарорнинг кучга кириши

Ушбу қарор имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Туман ҳокими: _____

Сана _____

Илова 2.2

Жамоатчилик кенгашига сайланган аъзоларни тасдиқлаш бўйича йиғилиш баёни намунаси

ЙИҒИЛИШ БАЁНИ № ___

Жамоатчилик кенгаши аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида

[Давлат органи номи]

Сана: "___"_____ 20 й

Жой: _____

Йиғилишда иштирок этдилар:

Раис: _____

Котиб: _____

Аъзолар: *(рўйхат илова қилинади)*

Жами иштирокчилар сони: _____ нафар

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамоатчилик кенгашига сайланган аъзоларни тасдиқлаш тўғрисида.

ЭШИТИЛДИ:

[Масъул шахс Ф.И.О.] сўзга чиқиб, Жамоатчилик кенгаши аъзолигига номзодлар очиқ танлов асосида саралаб олинганлигини, номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июн кунги ПҚ–3837 қарори талабларига мувофиқ шакллантирилганлигини маълум қилди.

Шунингдек, номзодлар рўйхати билан йиғилиш иштирокчилари таништирилди.

МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ:

- ✓ Иштирокчилар томонидан номзодларнинг тажрибаси, жамоатчилик фаоллиги ва соҳавий билимлари муҳокама қилинди.
- ✓ Таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.
- ✓ Номзодларнинг ҳар бири бўйича йиғилиш иштирокчилари овоз бердилар, овозларни санаш натижаларига кўра йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Жамоатчилик кенгашига қуйидаги аъзолар тасдиқлансин:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____ (ва ҳ.к.)

2. Тасдиқланган Жамоатчилик кенгаши таркиби белгиланган тартибда эълон қилинсин.

3. Жамоатчилик кенгашининг биринчи йиғилиши 3 кун ичида ташкил этилсин

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ:**

“Қўллаб-қувватлади” – _____ нафар

“Қарши” – _____ нафар

“Бетараф” – _____ нафар

ИЛОВА:

Раис: _____

Котиб: _____

Илова 2.3

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

БАЁНИ № ____

[Давлат органи номи]

Сана: "____"_____ 20 й

Жой: _____

Йиғилишда иштирок этдилар:

Кенгаш аъзолари: *(рўйхат илова қилинади)*

Жами иштирокчилар: _____ нафар

Йиғилишни очди:

[Ф.И.О., лавозими] (масалан, давлат органи вакили ёки ташкилий комиссия раиси)

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамоатчилик кенгаши раиси ва масъул котибни сайлаш.

2. Жамоатчилик кенгашининг йиллик иш режасини мухокама қилиш ва тасдиқлаш учун Туман ҳ окимига тақдим этиш.

1-МАСАЛА: Жамоатчилик кенгаши раисини сайлаш

ЭШИТИЛДИ:

[Ф.И.О.] томонидан Жамоатчилик кенгаши раисини сайлаш тартиби тушунтирилди.

Туман ҳокимининг Жамоатчилик кенгаши ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ташкил этилган ишчи гурух томонидан фуқаролик жамияти институтлари вакиллари бўлган қуйидаги номзодлар ЖК раиси вазифасига номзоди таклиф этилди.

1.

2.

МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ:

Иштирокчилар номзодларнинг тажрибаси, ташаббускорлиги ва жамоатчилик фаолиятидаги иштироки бўйича фикр билдирдилар.

ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ:

[Ф.И.О.] – _____ овоз

[Ф.И.О.] – _____ овоз

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамоатчилик кенгаши раиси этиб _____ сайлансин.

2-МАСАЛА: Жамоатчилик кенгашининг йиллик иш режасини тасдиқлаш

ЭШИТИЛДИ:

[Ф.И.О.] томонидан Жамоатчилик кенгашининг 20 __ йил учун иш режаси лойиҳаси тақдим этилди.

Иш режаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июн кунги ПҚ–3837 қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ:

Иштирокчилар томонидан иш режаси бўйича таклифлар билдирилди ва қўшимчалар киритилди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Жамоатчилик кенгашининг 20 ___ йил учун иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иш режасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш таъминлансин.

ИЛОВА:

1. Жамоатчилик кенгашининг йиллик иш режаси

2. Кенгаш аъзоларининг рўйхати.

Йиғилиш раиси _____

Котиб: _____

Илова 2.3

TEST

1. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифаси нима?

A) Давлат органлари фаолиятини назорат қилиш

C) Фақат қарор қабул қилиш

B) Давлат органлари билан жамоатчилик ўртасида мулоқотни таъминлаш

D) Фақат ҳисобот тайёрлаш

2. Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг таркибини ким тасдиқлайди?

A) кенгаш аъзоларининг ўзлари;

C) Давлат органи раҳбари

B) фуқаролар

D) Фақат ННТлар

3. Жамоатчилик кенгаши таркибида фуқаролик жамияти институтлари салмоғи қанча бўлиши керак?

A) тўлалигича фуқаролик жамияти институтлари вакиллари бўлиши керак ;

C) давлат идоралари вакиллари 70 % ва махалла вакиллари 30 %

B) 50 % фуқаролик жамияти вакиллари бўлиши керак

D) Фуқаролик жамияти институтлари вакиллари 25 %

4. Жамоатчилик кенгаши аъзолари қандай шаклланади?

A) тайинланади

C) сайланади.

B) ҳоким билан келишилган холда тасдиқланади.

D) исталган одам аъзо бўлиши мумкин.

5. Жамоатчилик муҳокамасининг асосий мақсади?

A) Қарорни тез қабул қилиш

C) Ҳужжатни яшириш

B) Жамоатчилик фикрини олиш

D) Фақат ҳисобот бериш

6. Жамоатчилик кенгаши раиси қандай сайланади?

A) Сайланмайди, Ҳоким томонидан тайинланади.

C) ННТ лар томонидан сайланади

B) Ҳокимият аппарат ходимлари иштирокида ҳоким тавсиясига кўра тайинланади

D) Жамоатчилик кенгаши йиғилишида мукобиллик асосида сайланади.

7. Жамоатчилик кенгаши жамоатчилик эшитувини кайси хужжатга асосан ташкил этади?

A) хужжат керак эмас

C) Давлат органи қарорига асосан

B) Жамоатчилик кенгашининг иш режасига мувофиқ тайёрланган маълумотнома ва давлат органи рахбари қарори.

D) тарафларнинг келишувига асосан.

8. Экспертлар гурухи қачон ва кимлардан тузилади?

A) доимий ишловчи гурух, ЖК аъзоларидан тузилади

C) ННТ лари тавсиясига асосан тузилади

B) соха мутахассисларидан давлат органи тавсиясига биноан тузилади.

D) Жамоатчилик кенгаши аъзолари, соха мутахассилари ва ОАВ лари вакиллари иштирокида ўрганилаётган масалага оид равишда тузилади

9. KPI нима?

A) Қонун ҳужжати

C) Самарадорлик кўрсаткичи

B) Молиявий ҳисобот

D) Ташкилот номи

10. Иш режа тузишдан мақсад нима ?

A) жамоатчилик кенгаши фаолиятининг "йўл харитаси"ни шакллантириш

C) лойихаларни бахолаш

B) хисобот учун хужжат яратиш

D) Ҳисоботни тинглаш

11. Жамоатчилик кенгаши иш режаси нималарни белгилайди?

A) Ким нима иш қилишини

C) Мақсадларни ва вазифаларни белгилайди, ресурсларни тақсимлайди ва натижаларни бахолаш имкониятини беради.

D) хисобот шаклини

12. иш режа тузишда асосий манбаалар қайсилар ?

A) Аҳоли мурожаатлари (халқ қабулхоналари, онлайн платформалар),
Ижтимоий сўровлар ва анкета

C) Оммавий ахборот воситалари таҳлили

D) Барча жавоблар тўғри

B) Давлат дастурлари ва ҳудудий ривожланиш режалари Маҳаллий муаммолар
(йўл, сув, ишсизлик ва ҳ.к.)

13. Иш режа қандай қисмлардан иборат бўлади?

A) мавзу , масъул шахс, муддат

C) Ресурслар, вазифалар, муддат, масъул шахс

B) мавзу , масъул шахс, муддат, қарор лойихаси,

D) Мақсад, вазифа, муддат, масъул, кутилаётган натижа.

14. Маълумот йиғиш услубларини тўла акс этганини белгиланг?

A) Анкета сўровларини ўтказиш

C) Анкеталаш, жамоатчилик мухокамаси, ОАВларида чиқишлар

B) Жамоатчилик мухокамаси

D) Туман ҳокимлигидан олинади.

15. Иш режаси канча муддатга тузилади?

A) чекланмаган муддатга

C) чораклик, йиллик

B) муддат курсатмай тузиш яхши

D) беш йиллик

БАҲОЛАШ:

0–5 балл: Паст даража

6–10 балл: Ўрта даража

11–15 балл: Юқори даража

III БОБ. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ *(II Модул)*

3.1. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ШАКЛЛАРИ: ЭШИТУВ, МОНИТОРИНГ ВА ЭКСПЕРТИЗА

Мазкур Модулда биз бугунги кунда давлат бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим инструментларидан бири ҳисобланган жамоатчилик назорати масаласини кўриб чиқамиз. Жамоатчилик назорати — бу фақат кузатув эмас, балки давлат органлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қиладиган фаол иштирок, таҳлил ва таъсир механизмидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрель куни қабул қилинган **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”** ги Қонуни ушбу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос яратди. Унга кўра, жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари, жамоатчилик кенгашлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

Жамоатчилик назоратининг асосий мақсади — давлат органлари фаолиятида очиқлик, ҳисобдорлик ва самарадорликни таъминлашдир. Шу билан бирга у фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва давлат хизматлари сифатини оширишга қаратилган.

Ушбу Модул доирасида сиз жамоатчилик назоратининг турли шакллари — жамоатчилик мониторинги, экспертиза, жамоатчилик эшитувлари билан танишасиз. Айниқса, экологик назорат ва маҳаллий бюджет ҳамда ижтимоий хизматлар устидан жамоатчилик мониторинги каби амалий йўналишларга алоҳида эътибор қаратилади.

Жамоатчилик назорати тушунчаси ва уни амалга ошириш шакллари.

Бу борадаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 2018-йил 12-апрелда қабул қилинган **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги Қонуни бўлиб, унинг мақсади давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. органлар ва муассасалар.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ жамоатчилик назоратини қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати — бу фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ҳамда ОАВ томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан амалга ошириладиган тизимли кузатув, таҳлил ва баҳолаш фаолиятидир.

Унинг **асосий мақсади** — давлат ҳокимияти фаолиятида очиқлик, ҳисобдорлик ва самарадорликни таъминлаш, қонунбузарликларни олдини олиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Давлат органларининг Қонунлар ва унга тенглаштирилган Қарорларни ижро этиши устидан жамоатчилик назорати шакллари ва усуллари.

Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар асосан фуқароларнинг мурожаатлари ва давлат органи раҳбарининг қабулида билдирилган фикрлар, кенг жамоатчиликни ташвишга солаётган воқеликлар, ижтимоий тармоқлардаги мурожаатлардан келиб чиқиб шаклланади.

Жамоатчилик кенгаши вакиллари **Давлат органининг очиқ хайъат йиғилишларида иштирок этишлари** мумкин, бу хам жамоатчилик назоратининг шаклларидан бири ҳисобланади.


Қабул қилиниши кутилаётган қарор ёки дастур лойиҳасининг **жамоатчилик мухокамаси** хам жамоатчилик назоратининг бир шаклидир.

Масалан, туман бюджетининг мухокамасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга ажратилган маблағларнинг миқдори бўйича муҳокамаларни бунга мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Жамоатчилик эшитуви: Бу жамоатчилик кенгашининг иш режасига мувофиқ экспертлар гурухи томонидан тақдим этилган маълумотлар ва давлат ташкилоти вакиллари томонидан тақдим этилган хужжатларга асосланган назорат шаклидир.

Жамоатчилик мониторинги – бу даврий равишда битта кўрсаткични кузатиш, мисол учун жамоат жойларидан маиший чиқиндиларни ташиб кетишни, маиший чиқиндилар тўпланадиган жойларни чиқинди билан тўлиш даврийлигини кузатиш каби.

Мониторингнинг 7 босқичли зинапояси



Жамоатчилик экспертизаси – мисол учун экология соҳасида маълум бир лойиҳани ёки ишлаб чиқаришни муайян ҳудудга таъсирини баҳолаш, яъни ҳудуд экологиясига қандай таъсир ўтказишини баҳолаш учун ўтказилиши мумкин.

Шунингдек, экспертиза Туман ҳокими томонидан қабул қилиниши режалаштирилган қарори лойиҳалари юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда ҳокимлик томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси кенг жамоатчилик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда экспертизадан ўтказилади. Экспертиза натижалари якуний хулосада тақдим этилади ва унда жамоатчилик манфаатларига зид бўлган нормаларни олиб ташлаш ёки мувофиқлаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш – аҳоли ва фаол жамоатчилик ижро ҳокимиятининг у ёки бу қарорига қандай муносабат билдиради, ёки маълум бир ҳолат юзасидан қандай ечимлар таклиф этишини ўрганиш учун ўтказилади.

Туман/шаҳар ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик кенгашлари тасдиқланган иш режаларига мувофиқ жамоатчилик назоратини ташкил этадилар.

Бунинг учун аввало туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда саволнома ишлаб чиқилади, соҳани яхши биладиган экспертлар жалб этилиб гурух таркибига киритилади ва ишчи гурух таркиби туман ҳокими қарори билан тасдиқланади.

Амалиётда жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича давлат органи раҳбари албатта огохлантирилади ва тасарруфдаги биноларга иншоатларга кирадиган жамоатчилик кенгаши аъзолари ва экспертлар рўйхати олдиндан тақдим этилади.

Давлат органлари ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик кенгашлари, иш режаларига мувофиқ давлат органи фаолияти билан боғлиқ жараёнларни мониторинг қилади.

Жамоатчилик кенгашлари томонидан жамоатчилик **мониторингини** ташкил этишда тизимли ёндашув ва аниқ режалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, тумндаги коммунал хизматлар сифати ёки жамоат транспорти фаолияти устидан мониторинг ўтказишда нафақат муаммони аниқлаш, балки унинг келиб чиқиш сабабларини ўлчанадиган кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қилиш лозим.

Мониторингнинг сифати ва натижадорлигини таъминлаш учун иш режаси ишлаб чиқишда қуйидаги босқичма-босқич алгоритмдан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Назорат қилиниши лозим бўлган соҳа ва унинг доирасидаги муайян параметрларни (масалан, ичимлик суви таъминоти ёки йўловчи ташиш сифати) аниқлаб олиш.

2. Мониторинг натижаларини баҳолаш учун **миқдорий ва сифат кўрсаткичларини** шакллантириш:

> ***Миқдорий кўрсаткичлар:*** *Хизмат кўрсатиш вақти, қамров даражаси (масалан, ичимлик сувининг кунлик соати ёки ҳар бир кўчадан қамраб олинган респондентлар салмоғи).*

> ***Сифат кўрсаткичлар:*** *Аҳолининг қониқиш даражаси (балл шкаласи ёки респондентларнинг ижобий/салбий фикрлари нисбати).*

3. Маълумотлар қайси манбалардан олинишини белгилаш: расмий ҳужжатлар, давлат органларининг туман бошқарма ва бўлимлари, соҳа мутахассислари ёки бевосита аҳоли гуруҳлари.

4. Мониторинг мақсадига қараб, энг мақбул усулни белгилаш: давлат ташкилотларига сўров юбориш, аҳоли ўртасида анкета сўровларини ўтказиш, соҳадаги жараёнларни бевосита кузатиш ёки интервьюлар ташкил этиш.

5. Маълумотларни йиғиш частотаси (ҳафталик, ойлик ёки чораклик) ва ижро муддатлари кўрсатилган календарь режани тузиш.

6. Тўпланган маълумотларни тизимлаштириш, таққослаш ва улар асосида хулоса ҳамда тавсиялар тайёрлаш технологиясини аниқлаш.

7. Жараён учун зарур бўлган инсон ресурслари (кенгаш аъзолари, экспертлар, волонтерлар ва ҳ.к), техник воситалар ва бошқа харажатларни ҳисоблаб чиқиш ҳамда мониторинг бюджетига киритиш.

Жамоатчилик мониторингини ўтказишда бажариладиган ишларинг намунавий тартиби

1. Муаммони белгилаш. Жамоатчилик мониторингини ўтказиш учун объект танлаш

2. Жамоатчилик мониторингини ўтказиладиган объектлар ҳақида маълумотлар тўплаш (ОАВ, расмий сўровлар, сайт маълумотлари)

3. Жамоатчилик мониторингини дастурини тузиш (мақсад, вазифалар, мезонлар, услублар, жадваллар)

4. Жамоатчилик мониторингини объектларга кириш учун келишувларни амалга ошириш (давлат органлари бўлими, бошқарма ва ҳоказолар билан)

5. Жамоатчилик мониторингини ўтказиш учун воситаларни ишлаб чиқиш: чек-листлар, сўровномалар ва бошқалар

6. Жамоатчилик мониторингини ўтказиш учун ишчи гуруҳ шакллантириш, уларни ўқитиш, йўриқнома бериш

7. Жамоатчилик мониторингини ўтказиш

8. Жамоатчилик мониторингининг натижалари юзасидан олинган ахборотлар таҳлилини тайёрлаш


9. Жамоатчилик мониторинг натижалари бўйича таҳлилларни ички йиғилишда муҳокама қилиш

10. Жамоатчилик мониторинг натижаларини давлат органлари раҳбарлари олдида тақдим этиш

11. Жамоатчилик мониторинг бўйича гуруҳ аъзолари қатнашувида барча очиқ эшитув ўтказиш

12. Жамоатчилик мониторинг бўйича қарорлар таҳлили ва кейинги таклифларга тайёргарлик кўриш

Шунингдек, жамоатчилик назорати тадбирларининг самарали бўлишида унинг якуний ҳисоботини профессионал тарзда шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Қуйида “Юксалиш” ҳаракатининг жамоатчилик назоратини ўтказишдаги узоқ йиллик тажрибаси асосида ишлаб чиқилган формула билан танишишингиз мумкин:



Жамоатчилик кенгашлари таркибидаги Нодалат нотижорат ташкилотлари вакиллари муайян масалалар бўйича мониторингда ҳузурили таъсир кўрсатиши мумкин. Сабаби ихтисослашув ва муаммони ўрганишда кўпроқ мақсадли гурухлар эхтиёжларини ўрганишади.

Ушбу масалани табиатни ва атроф мухитни мухофаза қилиш йўналишида мисол асосида кўриб чиқамиз.

Жамоатчилик экологик назоратини олиб боришда жамоатчилик назорати шаклларидан фойдаланиш.

Мисол: "Маълум бир ҳудудда сув танқислиги, ичимлик ва суғориш сувлари чекланганлиги махаллада яшовчи ахолининг турмуш даражаси пасайишига, томорқа майдонларидан хосил ололмаслик оқибатида эркакларнинг чет элга мехнат миграциясига чиқиши, оилаларнинг тўлиқ эмаслиги ва оилавий низоларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда".

Бу ёшлар ва аёллар масалалари билан шуғулланадиган Нодавлат нотижорат ташкилоти вакилларининг гипотезаси.

Ушбу гипотезани ўрганиш учун жамоатчилик кенгаши вакиллари шу махаллага бориб жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказиб муаммо юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганади.

Кейинги қадам сув таъминоти корхонаси ёки ихтисослашган ташкилотлардан мисол учун Ўзгидромет бошқармасидан 5 йиллик иқлим ўзгариши кўрсаткичлари, агрометереологик кўрсаткичлар олинади, ёмғир ёғиш миқдори, ва ўртача вегетация давридаги ҳароратлар.

Иқлим ўзгариши Мониторинги натижалари таҳлил қилинади. Махалла фуқаролар йиғинидан миграция кўрсаткичлари олинади. Шунингдек, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ шароитга мослашув йўлларини топиш учун ахоли ўртасида ижтимоий сўров ўтказиш мумкин.

Маълумотлар тўпланиб умумлаштирилганидан сўнг иқлим ўзгаришига мослашув бўйича махалла ахолиси учун дастур ишлаб чиқиш учун жамоатчилик мухокамаси ўтказилади.

Тўпланган барча маълумотлар кейинги даврда Жамоатчилик эшитувини ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жамоатчилик кенгаши учун мониторинг олиб бориш бўйича қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манбаадан фойдаланиш мумкин. [5]
Муқобил Экологик экспертиза ўтказиш бўйича қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манбаадан фойдаланиш мумкин. [6]

[5] *https://drive.google.com/file/d/19UYTLTHWZmPWBjBjx96YQEGjT5FBrLVx/view*
[6] *https://drive.google.com/file/d/1pS65cWZcjZDgL-JIRK5khmAxqB1KxyjN/view?usp=drive_link*

3.2. РАҚАМЛИ НАЗОРАТ: ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ВА БЮДЖЕТ ОЧИҚЛИГИНИ КУЗАТИШ

Жамоатчилик назоратини олиб боришда оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформаларнинг аҳамияти.

Туман даражасида жамоатчилик назоратини ўтказиш учун Жамоатчилик кенгаши аъзоси кабинетда ўтириши шарт эмас. Қуйидаги рақамли воситалар тумандаги ҳақиқий аҳволни масофадан туриб кузатиш ва ҳокимлик фаолиятини назорат қилиш имконини беради.

1. Тумандаги энг оғриқли муаммоларни аниқлаш (Мурожаатлар таҳлили)

Жамоатчилик кенгаши туман ҳокимлигига келаётган шикоятларни шунчаки кузатмайди, балки уларни тизимли таҳлил қилади.

Қаердан маълумот олинади?

Президент Виртуал қабулхонаси ва ҳокимликнинг ички мурожаатлар базаси;

Нима қилиш керак?

Кенгаш ҳар чоракда ҳокимликдан “Туманимизда энг кўп шикоят қайси соҳа ва қайси маҳалладан тушяпти?” деган сўров билан маълумот олиши керак.

Масалан, агар мурожаатларнинг 60% **"Х"** маҳалласидаги ички йўллар ҳақида бўлса, Кенгаш айнан шу йўлларни таъмирлаш дастурига киритишни ҳокимликдан талаб қилади.

2. Туман бюджети ва харидларини назорат қилиш (очиқ маълумотлар)

Туман ҳокимлиги халқ пулини нимага сарфлаётганини интернет орқали текшириш мумкин.

Сайт: www.xarid.uz
(Давлат харидлари портали).

Нимани текшириш мумкин?
Ҳокимлик қимматбаҳо машина сотиб оляптими ёки маҳаллаларга керакли техникаларми? Харидлар нархи ошириб кўрсатилмаганми?

Сайт: www.openbudget.uz
(Очиқ бюджет портали).

Нимани текшириш мумкин?
Сизнинг туманингизда "Ташаббусли бюджет"да ғолиб бўлган лойиҳалар (масалан, мактабни таъмирлаш) учун пул ажратилганми ва ишлар ҳақиқатда бажариляптими? Кенгаш аъзоси қурилиш жойига бориб, порталдаги рақамлар билан солиштириши керак.

3. Ҳоким чиқараётган қарорларнинг қонунийлиги (E-qaror)

Ҳокимлик томонидан чиқарилаётган ҳар бир ҳужжат жамоатчилик учун очиқ бўлиши керак *(давлат сирига оид ҳужжатлар бундан мустасно).*

Сайт: www.e-qaror.gov.uz

Нимани текшириш мумкин?
Кенгаш аъзолари ушбу сайт орқали ўз туман ҳокимининг ер ажратиш, бюджет пулларини сарфлаш бўйича қарорларини кузатиб боради. Агар бирор қарор аҳоли манфаатига зид бўлса (масалан, боғ ўрнида бино қуриш), Кенгаш уни бекор қилиш масаласини кўтаради.

4. Ижтимоий тармоқлардаги “халқ овози” (тезкор назорат)

Facebook’даги маҳаллий гуруҳлар ва Telegram каналлар туманнинг энг тезкор маълумот манбаи ҳисобланади.

Нимани текшириш мумкин?

Кенгаш тумандаги энг катта Telegram канал ва Facebook гуруҳларида эълон қилинаётган постларни кундалик мониторинг қилади.

Нимани текшириш мумкин?

Агар тармоқда “Бизнинг кўчада чиқиндилар олиб кетилмаяпти” деган расмли ёки видео материалли пост чиқса, Кенгаш аъзоси изоҳда “Масала назоратга олинди” деб ёзади ва “Тоза ҳудуд” идорасидан жавоб талаб қилади. Натижасини яна ўша гуруҳда эълон қилади.

5. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) билан ишлаш

Туман Жамоатчилик кенгаши журналист ва блогерлар билан яқин ҳамкор бўлиши шарт.

Матбуот анжуманлари:
Кенгаш туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (матбуот котиби) билан биргаликда мунтазам танқидий мавзуларда брифинглар ташкил этиши керак.

6. Қарор қабул қилишда аҳоли иштироки (муҳокамалар)

Янги қонун ва қарорлар лойиҳасини Кенгаш аъзолари оддий одамларга тушунтириши керак.

Сайт: regulation.gov.uz

Нимани текшириш мумкин?
Туман ҳокимлиги ишлаб чиққан қарор лойиҳалари ушбу сайтга қўйилади. Кенгаш аъзоси у ердаги таклифларни ўқийди ва ўз туманидаги аҳоли тадбиркорларининг фикрини қарор қабул қилувчига етказади.

Рақамли назорат: Туман кафтингизда

Openbudget.uz
Пуллар қаерга ва қандай сарфланяпти?

E-qaror.gov.uz
Ҳоким чиқарган қарорлар қонунийми?

Xarid.uz
Давлат харидларида коррупция йўқми?

My.gov.uz
Халқ хизматлардан розими?

Кабинетдан чиқмасдан назорат қилинг!

Туман Жамоатчилик кенгаши учун интернет – бу шунчаки янгиликлар жойи эмас, балки **реал назорат майдонидир.** Юқоридаги сайтлар ва тармоқлар Кенгашга ҳокимлик устидан таъсирчан назорат ўрнатиш учун қонуний асос ва маълумот беради.

Илова 3.1

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳудуддаги асосий инфратузилмавий муаммоларни аниқлаш машқи

“Муаммони аниқлаш ва илдизини топиш”

Давомийлиги:

Формат: Жамоавий иш

Мақсад: Муаммоларни тўғри аниқлаш ва уларнинг асосий сабабларини таҳлил қилиш.

Сценарий: Тренер шундай топшириқ беради:

Қишлоқ харитасини чизинг, унда йўллар, фуқароларнинг уйлари , мактаб поликлиника, савдо шахобчаси, маданий объектлар, ўқув марказлари, маиший хизмат уйлари, аёллар салони, тикувчилик салонини кўрсатинг. Транспорт инфратузилмасини акс эттиринг. Ахолининг бу инфратузилмадан фойдаланишдаги учраётган муаммоларини стикерга ёзиб бириктиринг.

> **Кутувлар:** харитага хар бир тузилма бўйича муаммолар ёзилган стикерлар бириктирилади натижада қишлоқда сув, газ,электр энергия, алоқа,интернет,транспорт инфратузилмаси, тиббиёт, таълим, маданият ва маиший хизмат йўналишларида ахоли дуч келаётган муаммолар кўринади.

Топшириқ: Гуруҳлар муаммонинг илдиз сабабларини аниқлайди.

Мисол:

1.

Нима учун шифокорлар етишмайди? – Чунки бюджет кам ажратилган, ойлик маош кам ва ҳ.к.

2.

Нима учун поликлиникада навбат катта? – чунки шифокорлар етишмайди.

Натижа:

Гуруҳлар **"илдиз сабаб диаграммаси"**ни тайёрлайди ва хулосаларни тақдим этади.

Илова 3.2

Шаҳар/туман ҳудудида жойлашган марказий шифохонада тиббий хизматлар сифатини ўрганиш, экспертлар гуруҳини ташкил этиш ва жамоатчилик эшитувига тайёргарлик кўриш бўйича давлат органи раҳбарининг қарори намунаси

Туман марказий шифохонасида Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан тиббий хизматлар сифатини ўрганиш, экспертлар гуруҳини ташкил этиш ва жамоатчилик эшитувига тайёргарлик кўриш тўғрисида

ҚАРОР

Шаҳар/туман номи] ҳокимлиги / [давлат органи номи]

Сана: "___"_____ 20 й

№ ____

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–3837 қарори талабларига мувофиқ, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, шунингдек аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Марказий шифохона фаолиятини ўрганиш учун экспертлар гуруҳини ташкил этилсин;

1.1. Экспертлар гуруҳи таркибига қуйидагилар киритилсин:

- соҳа мутахассислари (тиббиёт ходимлари);
- жамоатчилик кенгаши аъзолари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари;
- мустақил экспертлар.

1.3. Экспертлар гуруҳи раҳбари этиб _____ тайинлансин.

2. Экспертлар гуруҳининг вазифалари

Қуйидагилар экспертлар гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

- тиббиёт муассасасида хизмат кўрсатиш сифатини ўрганиш;
- аҳоли фикри ва мурожаатларини таҳлил қилиш;
- тиббий хизматлар сифатини баҳолаш бўйича таҳлил ва хулосалар тайёрлаш;
- аниқланган муаммолар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Ўрганиш ишларини ташкил этиш

3.1. Экспертлар гуруҳи томонидан ўрганиш ишлари "__" _____ дан "__" _____ гача амалга оширилсин.

3.2. Ўрганиш жараёнида:

- ✓ Марказий шифохонага бориб мониторинг ўтказиш;
- ✓ фуқаролар ўртасида сўровномалар ўтказиш;
- ✓ шифохона фаолияти таҳлил қилиниши таъминлансин.Жамоатчилик эшитувига тайёргарлик;

4. Жамоатчилик кенгаши ўтказган мониторинг натижалари марказий шифохона бош шифокорига ва туман ҳокимига кўриб чиқиш учун тақдим этилсин.

4.1. Ўрганиш натижалари бўйича жамоатчилик эшитуви ташкил этилсин.

4.2. Жамоатчилик эшитувини ўтказиш санаси: "__" _____ 20 й.

4.3. Қуйидагилар таъминлансин:

- эшитув ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш;
- манфаатдор томонларни жалб қилиш;
- экспертлар гуруҳи ҳисоботини тайёрлаш.

5. Ташкилий чора-тадбирлар

5.1. [Масъул бўлинма номи]га:

- экспертлар гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириш;
- зарур ташкилий ва техник шароитларни яратиш;
- жамоатчилик эшитувини юқори савияда ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

6. Ҳисобот тақдим этиш

Экспертлар гуруҳи ўрганиш натижалари бўйича якуний ҳисоботни жамоатчилик эшитувига тақдим этсин.

7. Назорат

Ушбу қарор ижросини назорат қилиш _____ зиммасига юклансин.

8. Қарорнинг кучга кириши

Ушбу қарор имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Раҳбар: _____

Ф.И.О.: _____

ИЛОВАЛАР:

1. Экспертлар гуруҳи таркиби
2. Ўрганиш ўтказиш режаси (график)
3. Жамоатчилик эшитуви сценарийси

Илова 3.1

ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ СЦЕНАРИЙСИ (намуна)

Мавзу:

Шаҳар/туман ҳудудидаги Марказий шифохонада тиббий хизматлар сифатини ўрганиш натижалари

Мақсад:

- Ўрганиш натижаларини очиқ тақдим этиш
- Аҳоли ва манфаатдор томонлар фикрини эшитиш
- Муаммолар бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш
- Давлат органлари фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш

Иштирокчилар:

- Давлат органи раҳбарияти
- Жамоатчилик кенгаши аъзолари
- Экспертлар гуруҳи
- Тиббиёт муассасалари вакиллари
- ННТ ва ОАВ вакиллари
- Фуқаролар

Давомийлиги: 2–2,5 соат

СЦЕНАРИЙ (БАТАФСИЛ РЕЖА)

1. ОЧИЛИШ ҚИСМИ (10–15 дақиқа)

Қоидалар:

- Ҳурмат билан мулоқот
- Вақтга риоя қилиш
- Ҳар ким фикр билдириш ҳуқуқига эга

2. КИРИШ СЎЗ (10 дақиқа)

Давлат органи раҳбари:

- Эшитувнинг аҳамияти
- Очиқлик ва жамоатчилик иштирокининг роли
- Кутилаётган натижалар

3. ЭКСПЕРТЛАР ҲИСОБОТИ (25–30 дақиқа)

Экспертлар гуруҳи раҳбари тақдимоти:

- Ўрганиш мақсади ва методологияси
- Асосий топилмалар
- Аниқланган муаммолар
- Статистика ва далиллар
- Тавсиялар

Визуал материаллар:

Тавсиялар, Графиклар/диаграммалар

4. САВОЛ-ЖАВОБ СЕССИЯСИ (20–25 дақиқа)

Формат:

- Иштирокчилар савол беради
- Экспертлар ва масъуллар жавоб беради

Фасилитатор вазифаси:

- Саволларни тартибга солиш
- Вақтни назорат қилиш

5. Марказий шифохона вакилининг чиқиши

5.1 Экспертларнинг чиқишларида акс этган фактларга шарх ва тиббиёт бирлашмаси вакилларининг таклифлари.

6. ЯКУНИЙ МУҲОКАМА ВА ҚАРОРЛАР (15–20 дақиқа)

Давлат органи вакили:

- Эшитув натижаларини умумлаштиради
- Амалий чора-тадбирлар бўйича фикр билдириш

ЯКУНЛОВЧИ ҚИСМ (10 дақиқа)

- Жамоатчилик эшитуви қарорини ижроси бўйича назорат юклаш.
- Иштирокчиларга миннатдорчилик билдирилади

НАТИЖА:

Давлат органлари учун аниқ чора-тадбирлар тавсия қилинади

Илова 3.4

Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳудудда "Ҳудуд санитар сервис" хизматининг сифатини ўрганиш бўйича жамоатчилик мониторингини ташкил этиш учун тузилган саволнома

Умумий маълумотлар:

Манзил: _____

Сана: _____

Мониторинг ўтказувчи: _____

1. Жойлашув ва инфратузилма:

☐ Чиқинди шахобчаси уйдан камида 20–30 метр узоқликда жойлашган

☐ Йўлга яқин ва чиқиндиларни ташишга қулай

☐ Махсус белгилар (табличка) мавжуд

☐ Контейнерлар етарли миқдорда

2. Санитария ҳолати:

☐ Контейнерлар тоза ва ёпиқ

☐ Атрофда чиқинди сочилмаган

☐ Ҳид даражаси паст

☐ Ҳашаротлар/кемирувчилар йўқ

3. Чиқиндиларни олиб кетиш:

Ҳафтасига неча марта: _____

☐ График асосида амалга оширилади

☐ Чиқиндихона тўлиб кетмайди

☐ Ўз вақтида тозаланади

4. Чиқиндихона тўлиши:

☐ Доим тўлиб туради

☐ Вақти-вақти билан тўлади

☐ Камдан-кам тўлади

5. Аҳоли фикри:

Аҳолининг муносабати:

☐ Қониқарли

☐ Қониқарсиз

☐ Таклифлар мавжуд

Таклиф ва изоҳлар: _____

_____

_____

Илова 3.5

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан ўтказиладиган

СОЦИОЛОГИК СЎРОВНОМА

Мавзу: _____ туманида коммунал хизматлар ва ижтимоий инфратузилма сифатини баҳолаш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш.



Мақсад: Туман аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш, ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминоти ва йўллар ҳолати бўйича реал манзарани аниқлаш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш.

I. Респондент ҳақида маълумотлар

1. Жинсингиз: ☐ Эркак ☐ Аёл

2. Ёшингиз: ☐ 18–30 ☐ 31–45 ☐ 46–60 ☐ 60 ёшдан катта

3. Яшайдиган маҳаллангиз номи: _____

4. Маҳаллангиз тури: ☐ Кўп қаватли уйлар ҳудуди ☐ Ҳовли/Қишлоқ ҳудуди

5. Фаолиятингиз тури: ☐ Ишчи/Хизматчи ☐ Тадбиркор ☐ Фермер ☐ Уй бекаси ☐ Нафақахўр ☐ Бошқа

II. Асосий инфратузилма муаммоларини аниқлаш

Сизнинг ҳудудингизда қайси муаммолар энг кўп кузатилади?
(Бир нечта жавоб танлашингиз мумкин)

☐ Электр энергиясидаги тез-тез узилишлар

☐ Табиий газ босимининг пастлиги ёки йўқлиги

☐ Ичимлик суви етишмовчилиги ёки сифатсизлиги

☐ Ички йўлларнинг носозлиги (чуқурлар, асфальт йўқлиги)

☐ Маиший чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқилмаслиги

☐ Жамоат транспортининг ёмон ишлаши (интервал, йўналишлар камлиги)

☐ Кўчаларнинг тунда ёритилмаганлиги

☐ Бошқа муаммо: _____

III. Хизматлар сифатини баҳолаш

Ҳар бир йўналишни 1 дан 5 гача баҳоланг:
(1 – жуда ёмон, 5 – жуда яхши)

Хизмат тури	Хизмат сифати	Муаммонинг долзарблиги	Мутасаддиларнинг муносабати
Электр таъминоти	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5
Табиий газ / Суюлтирилган газ	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5
Ичимлик суви таъминоти	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5
Маҳалла ички йўллари	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5
Чиқинди олиб чиқиш хизмати	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5	☐ 1 ☐ 2 ☐ 3 ☐ 4 ☐ 5

IV. Муаммоларнинг вақт билан боғлиқлиги

1. Қайси ойларда/фаслда коммунал муаммолар (свет, газ, сув) энг юқори даражага чиқади?

☐ Қиш (декабрь-февраль) — Газ ва электр муаммоси

☐ Ёз (июнь-август) — Ичимлик суви ва суғориш муаммоси

☐ Баҳор/Куз — Йўллар ва ёғингарчилик билан боғлиқ муаммолар

2. Муаммо юзасидан мутасадди ташкилотга мурожаат қилганингиздан сўнг, одатда қанча вақтда ечим топилади?

☐ 1-3 кунда ☐ 1 ҳафтада ☐ 1 ойда ☐ Умуман ҳал этилмайди

V. Ечим таклифлари

1. Ҳудудингиздаги шароитни яхшилаш учун қайси чора биринчи навбатда кўрилиши керак?

☐ Трансформатор ва симёғочларни янгилаш

☐ Ичимлик суви тармоғини тортиш/таъмирлаш

☐ Ички йўлларни асфальтлаш ёки шағаллаштириш

☐ Кўчаларни ёритиш чироқларини ўрнатиш

☐ Бошқа: _____

2. Маҳаллангиздаги муаммоларни ҳал қилиш учун "Очиқ бюджет" (Open Budget) жараёнларида иштирок этасизми?

☐ Ҳа, фаолман ☐ Фақат овоз бераман ☐ Йўқ, ишонмайман

ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСА ШАКЛИ (Кенгаш аъзолари учун)

1. Энг устувор муаммолар: (Респондентлар энг кўп белгилаган 3 та соҳа)

2. Муаммолар "харитаси": Қайси маҳаллаларда аҳвол энг оғир?

3. Мутасадди ташкилотлар рейтинги: Қайси ташкилот (Электр тармоқлари, Сув таъминоти, Ободонлаштириш ва ҳ.к.) энг паст баҳо олган?

4. Аҳоли таклифлари: Кенгаш томонидан ҳокимликка киритиладиган тавсиялар.

Хулоса:

Сўров натижалари кўрсатдики, _____ тумани аҳолиси учун бугунги кунда энг долзарб масала _____ бўлиб қолмоқда.

Жамоатчилик кенгаши ушбу соҳа раҳбарларининг ҳисоботини эшитишни ва муаммони туман дастурига киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Илова 3.6

Жамоатчилик назорати ва унда жамоатчилик кенгашларининг иштироки бўйича
ТЕСТ

1. Жамоатчилик назорати нима?

A) Фақат давлат текшируви

C) Суд жараёни

B) Ички аудит

D) Давлат органлари фаолияти устидан фуқаролик жамияти институтлари назорати

2. Жамоатчилик назоратининг асосий мақсади нима?

A) Солиқ йиғиш

C) Давлат органларини айбларини ёпиш

B) Давлат органларининг очиқлик ва ҳисобдорлигини таъминлаш

D) Тадбирлар ташкил қилиш

3. Қайси қонун жамоатчилик назорати муносабатларини тартибга солади?

A) Конституция

C) Меҳнат кодекси

B) "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ЎР Қонуни

D) Солиқ кодекси

4. Қайси субъект жамоатчилик назоратини амалга ошира олади?

A) Фақат прокуратура

C) ННТ, фуқаролар, ОАВ, жамоатчилик кенгашлари, МФЙлари

B) Фақат суд

D) Фақат ҳокимият

5. Жамоатчилик мониторинги нима?

A) Солиқ текшируви

C) Суд жараёни

B) Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш жамоатчилик мониторингидир.

D) Лицензия бериш

6. Қайси жавоб жамоатчилик назорати шакли ҳисобланади?

A) Текширув

C) Жамоатчилик эшитуви

B) Экспертиза

D) Барчаси

7. Мониторингда биринчи қадам нима?

A) Ҳисобот ёзиш

C) Маблағ топиш

B) Параметрларни аниқлаш

D) Реклама қилиш

8. Қарор ва норматив хужжатларни қабул қилишдан олдин рақамли платформаларга жойлашнинг мақсади нима?

A) Фақат ахборот сақлаш

C) Мухокамаларда фуқаролар иштирокини ошириш

B) Солиқ йиғиш

D) Суд ишлари

9. Жамоатчилик кенгаши нима қилади?

A) Суд қарор чиқаради

C) Солиқ йиғади

B) Назорат қилади ва маслаҳат беради

D) Бизнес очади

6. Қайси жавоб жамоатчилик назорати шакли ҳисобланади?

A) Текширув

C) Жамоатчилик эшитуви

B) Экспертиза

D) Барчаси

7. Мониторингда биринчи қадам нима?

A) Ҳисобот ёзиш

C) Маблағ топиш

B) Параметрларни аниқлаш

D) Реклама қилиш

8. Қарор ва норматив хужжатларни қабул қилишдан олдин рақамли платформаларга жойлашнинг мақсади нима?

A) Фақат ахборот сақлаш

C) Мухокамаларда фуқаролар иштирокини ошириш

B) Солиқ йиғиш

D) Суд ишлари

9. Жамоатчилик кенгаши нима қилади?

A) Суд қарор чиқаради

C) Солиқ йиғади

B) Назорат қилади ва маслаҳат беради

D) Бизнес очади

10. Жамоатчилик кенгашларида ОАВнинг роли қандай?

A) Фақат реклама

B) Солиқ йиғиш

C) Ахборот тарқатиш ва назорат, очиқликни таъминлаш

D) Қарор қабул қилиш

POST-TEST (Якуний тест)

1. Жамоатчилик назоратининг асосий вазифаси қайси?

A) Давлат органларини алмаштириш

B) Давлат органининг Очиқлик ва ҳисобдорлигини таъминлаш

C) Фақат назорат қилиш

D) Солиқ йиғиш

2. Жамоатчилик мониторинги нимани ўз ичига олади?

A) Кузатиш ва таҳлил

B) Фақат текширув

C) Фақат интервью

D) Фақат ҳисобот

3. Қайси усул маълумот тўплашда қўлланилади?

A) Сўровнома

B) Интервью

C) Кузатув

D) Барчаси

4. Жамоатчилик эшитуви нима?

A) Суд мажлиси

B) Жамоат фикрини эшитиш жараёни

C) Солиқ йиғиш

D) Назорат текшируви

5. Қайси платформа орқали фуқаролар фикр билдириши мумкин?

A) regulation.gov.uz

C) my.gov.uz

B) openbudget.uz

D) Барчаси

6. Манфаатдор томонлар билан ишлаш нима учун муҳим?

A) Фақат ҳисобот учун

C) Фақат реклама учун

B) Низоларни камайтириш ва самарадорликни ошириш

D) Мажбурий эмас

7. Жамоатчилик назоратида ННТнинг роли?

A) Қарор қабул қилиш

C) Солиқ йиғиш

B) Мониторинг ва ташаббус кўрсатиш

D) Суд ишлари

8. Экологик мониторинг нима?

A) Фақат дарахт экиш

C) Солиқ йиғиш

B) Қурилиш

D) Атроф-муҳит ҳолатини кузатиш

9. Мониторинг натижаси қандай расмийлаштирилади?

A) Шартнома

C) Лицензия

B) Якуний далолатнома тузилади

D) Ариза

10. Самарали жамоатчилик назорати учун нима муҳим?

A) Ёпиқликни таъмилайди

C) Фақат текширув

B) Ахборот очиқлиги

D) Фақат давлат назорати

Баҳолаш шкаласи

8–10 тўғри жавоб → Юқори даража

5–7 тўғри жавоб → Ўрта даража

0–4 тўғри жавоб → Қўшимча тушунтириш керак



IV БОБ. ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ИШТИРОК ВА ҲАМКОРЛИК *(III Модул)*

4.1. МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган жамоатчилик кенгаши ўз фаолияти давомида ахолининг турли қатламлари, ҳудудлар кесимида махаллар, ижтимоий гурухларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббусларни илгари суради. Жахон тажрибасида бу жараён Манфаатларни ҳимоя қилиш деб номланади.

Савол:
Нима учун туман ҳокимлигига Жамоатчилик кенгаши билан ишлаш манфаатли?

Кўп ҳолларда маҳаллий ижро ҳокимияти Кенгашга **"иш берувчи"** ёки **"текширувчи"** деб қарайди. Аслида, тизимли ҳамкорлик ҳокимлик учун қатор имкониятларга йўл очиб беради. Жумладан,

1.

Муаммо ижтимоий тармоқларда кўтарилишидан ёки юқори ташкилотларга шикоят бўлиб тушишидан олдин Кенгашда муҳокама қилинади ва ечим топилади.

2.

Ҳокимликнинг ресурси етмайдиган жойларда (масалан, узоқ маҳаллалардаги қурилиш сифати) Кенгаш аъзолари мониторинг ўтказиб, камчиликларни эрта аниқлашга ёрдам беради.

3.

Кенгаш билан маслаҳатлашиб қабул қилинган қарорлар аҳоли томонидан "адолатли" деб қабул қилинади ва ижро ҳокимиятига нисбатан ишонч ортади.

4.

Жамоатчилик фильтридан ўтган харидлар ёки қарорлар ҳокимлик обрўсини турли текширувлар олдида ҳимоя қилади.

Жамоатчилик кенгашлари учун бу жараён турли ижтимоий гуруҳлар, хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар ёки ёшларнинг эҳтиёжларини тизимли равишда ўрганиб, уларни ижро ҳокимиятининг расмий қарорларига ёки давлат дастурларига киритилишига эришиш фаолиятини англатади. Демак, манфаатларни ҳимоя қилиш шунчаки муаммони баён қилиш ёки танқид қилиш эмас, балки унинг қонуний ва амалий ечими бўйича давлат органлари билан конструктив мулоқот олиб бориш, далилларга асосланган тайёр ечимларни тақдим этиш демакдир.

Ҳокимлик ва Кенгаш:
Ишчи мулоқот занжири



Жамоатчилик кенгашлари таркибида турли нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол фуқароларнинг борлиги уларга жамиятдаги оғриқли нуқталарни бевосита аниқлаш ва уларни **“тизимли таклиф”** кўринишига келтириш имконини беради. Бу жараёнда Кенгаш аъзолари ўзлари ифода этаётган қатламнинг овозини ҳокимликлар ёки вазирликлар қабул қила оладиган профессионал “тавсиялар пакети”га айлантирадилар.

Масалан, агар Ногиронлар жамияти вакили Кенгашда жамоат транспортининг ноқулайлигини кўтарса, **Кенгашнинг вазифаси** — ушбу эътирозни техник меъёрлар ва аниқ таҳлиллар асосида асослаб, маҳаллий бюджетнинг манзилли дастурига айнан паст полли автобуслар сотиб олиш шартини киритиш стратегиясини тузишдан иборат бўлади.

Муҳим жиҳати шундаки, манфаатларни ҳимоя қилиш механизми фақат муаммони кўтариш билан чекланмай, балки қарор қабул қилувчи раҳбарни (Ҳоким ёки вазир) ушбу ечимнинг жамият учун манфаатли эканлигига ишонтиришни талаб қилади. Давлат органи раҳбари ҳиссиётларга эмас, балки аниқ рақамлар ва ижтимоий самарадорликка таянади. Шу боис, Жамоатчилик кенгаши ижтимоий сўровномалар, эксперт хулосалари ва халқаро тажрибани ўрганиб, ҳокимликка **“муаммо + тайёр ечим”** шаклидаги таклифни тақдим этиши манфаатларни ҳимоя қилиш самарадорлигини оширади.

Масалан, ёшлар бандлиги масаласида шунчаки **"ишсизлик кўп"** демасдан, маҳаллалардаги бўш турган давлат объектлари негизида кичик ҳунармандчилик марказларини ташкил этиш бўйича аниқ механизмни илгари суриш — **бу муваффақиятли манфаатларни ҳимоя қилишдир.**

4.2. ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Ташаббусларни илгари суришнинг асосий тамойиллари.

Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини маълум тамойиллар асосида қурсагина, унинг ташаббуслари ҳокимлик ёки вазирликлар томонидан жиддий қабул қилинади.

*биринчи навбатда, **шаффофлик ва ҳисобдорлик** тамойиллари Кенгашнинг жамоатчилик олдидаги масъулиятини белгилайди. Ҳар бир ташаббус очиқ муҳокама қилиниши ва натижалари ҳақида аҳолига хабар берилиши шарт;*

***инклюзивлик тамойили** эса, ташаббуслар ишлаб чиқилаётганда жамиятнинг энг заиф қатламлари — ногиронлиги бўлган шахслар, эҳтиёжманд оилалар фикрининг инобатга олинишини кафолатлайди;*

*энг муҳим тамойиллардан яна бири — **далилларга асосланганликдир.** Бунда ҳар бир таклиф қуруқ гапга эмас, балки аниқ статистик маълумотлар ва таҳлилларга таяниши зарур;*

*шунингдек, давлат органлари билан **ҳамкорлик ва мулоқот** муҳитини сақлаган ҳолда, **тизимли ва стратегик ёндашув** орқали босқичма-босқич натижага интилиш ЖК фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди.*

Муаммоларни ҳал этишда қўлланиладиган асосий усуллар.

Ташаббусларни натижага олиб чиқишда Жамоатчилик кенгашлари бир нечта ўзаро боғлиқ усуллардан фойдаланади. Биринчи навбатда, **таҳлилий маълумотлар тайёрлаш** усули орқали муаммонинг илдизи, унинг кўлами ва молиявий ечимлари акс этган "сиёсий бриф" ёки таклифномалар ишлаб чиқилади. Бу ҳужжат раҳбарлар учун асосий йўриқнома бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, **жамоатчилик муҳокамалари ва эшитувлари** ташкил этиш орқали аҳолининг фикри бирлаштирилади ва ташаббуснинг легитимлиги *(халқ томонидан қўллаб-қувватланиши)* оширилади. Бу усул қарор қабул қилувчиларга жамиятнинг реал эҳтиёжини кўрсатиб беради.

Шу билан бирга, **ОАВ ва рақамли платформалар орқали таъсир ўтказиш** усули муаммога кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш ва ижтимоий босим шакллантиришда жуда самаралидир. Ижтимоий тармоқларда ёритилган ва кенг муҳокама қилинган муаммолар ижро органлари томонидан қисқа муддатда кўриб чиқилади.

Ниҳоят, энг тўғридан-тўғри усул — **давлат органи билан юзма-юз мулоқот ва музокаралар** олиб боришдир. Бунда Кенгаш вакиллари ижро органи раҳбарияти билан расмий учрашувлар ўтказади, ишчи гуруҳларда иштирок этади ва тайёрланган ечимларни бюджет ёки дастурларга киритилишини бевосита ҳимоя қилади.

Кенгашнинг энг яхши таклифи ҳам нотўғри тақдим этилса, ҳокимлик томонидан рад этилиши мумкин. Муваффақиятли таклиф қуйидаги 4 та компонентдан иборат бўлиши керак:

А) Муаммо кўлами.

Мисол: "Бу муаммо фақат битта кўчада эмас, балки туманимизнинг 5 та маҳалласидаги 1200 та хонадонга таъсир қилмоқда".

Б) Ижтимоий таъсир.

Мисол: "Агар ҳозир ушбу йўл таъмирланмаса, кузда **400** нафар мактаб ўқувчиси лой кечиб мактабга боришга мажбур бўлади".

В) Ресурс манбаи.

Мисол: "Бунинг учун туман бюджетидан маблағ ажратиш шарт эмас, муаммони "Ташаббусли бюджет"нинг кейинги босқичига киритиш ёки ҳомий тадбиркорларни жалб қилиш мумкин"

Г) Аниқ натижа.

Мисол: "Ушбу қарор қабул қилинса, туманимиздаги мактабга қатнаш муаммоси 80%га ҳал бўлади"

Жамоатчилик кенгашлар ташаббусларини илгари суриш самарали бўлиши учун турли усул ва воситалардан комплекс фойдаланиш мухим.

Қуйида энг асосий усуллар ва уларнинг мазмуни келтирилган:

1. Таҳлилий маълумот тайёрлаш. Бу усул муаммони чуқур ўрганиш ва уни далиллар асосида ёритишга қаратилган. Бунда статистик маълумотлар йиғилади ва таҳлил қилинади, муаммонинг сабаб ва оқибатлари аниқланади, таҳлилий ҳисоботлар ва таклифлар тайёрланади.

2. Жамоатчилик муҳокамалари орқали аҳоли ва манфаатдор томонлар фикри ўрганилади ва жамоатчилик позицияси шакллантирилади.

Мазмуни:

- жамоатчилик эшитувлари;
- очиқ мулоқотлар ва давра суҳбатлари;
- фокус-группалар ва жамоа учрашувлари.

Аҳамияти:
Жамоатчилик иштирокини таъминлайди, қарорларнинг легитимлигини оширади ва турли фикрларни ҳисобга олиш имконини беради.

2. Аҳолининг турли қатламлари, ҳудудлар кесимида махаллалар, ижтимоий гурухларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббусларни ОАВлари ва рақамли платформалар орқали таъсири.

Бу усул ахборотни кенг аудиторияга етказиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилади.

Мазмуни:

- мақолалар, интервьюлар ва пресс-релизлар тайёрлаш;
- ижтимоий тармоқлар орқали кампаниялар ўтказиш;
- блоглар ва онлайн платформаларда чиқишлар.

3. Давлат органлари билан мулоқот асослари


Бу аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш учун илгари сурилган ташаббусларнинг энг муҳим ва тўғридан-тўғри таъсир этувчи усули ҳисобланади.

Мазмуни:

- расмий учрашувлар ва музокаралар;
- таклиф ва мурожаатлар киритиш;
- ишчи гуруҳлар ва маслаҳат кенгашларида иштирок этиш.

Қарор қабул қилувчилар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, таклифларни муҳокама қилиш ва амалий ечимларга эришиш имконини беради.

Мулоқот формуласи:
Қаршиликдан — Ҳамкорликка



Натижа:
Хатосиз қарорлар ва аҳоли розилиги.

Жамоатчилик кенгаши масалларни ўрганиш ва ахолининг ёки ижтимоий гурух манфаатларини ҳимоя қилишда манфаатдор томонларни хам тахлил қилиши керак. Бу жараёнда манфаатдор томонларни рўйхатга олиш, манфаатлар ва кутилмаларни аниқлаш, таъсир ва қизиқиш даражасини бахолаш стратегияни белгилашга хизмат қилади. Жамоатчилик кенгашининг стратегияси эса фаол хабардор қилиш, жамоатчилик эшитувлари ўтказиш, фикрларини инобатга олишни кўзда тутади. Бу манфаатдор томонлар билан қандай ишлаш, қайси манфаатдор томоннинг таъсир кучи қандайлигини бахолаш билан боғлиқ.

4.4. ҲУДУДИЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДАГИ АМАЛИЙ ТАЖРИБА *(КЕЙСЛАР)*

Ушбу назарий қисмни битта мисол билан тушунтирамиз.

2020 йили Қўқон шаҳар жамоатчилик кенгаши шаҳардаги бир нечта махаллаларни Қўқон сойдан чиққан сув хонадонларга кириб тошқин юзага келганлиги ҳақида мурожаатни ўрганди.

Ўрганиш жараёнида Қўқон шаҳридан оқиб ўтувчи 8 та сой ва ариқларнинг ўтказувчанлик қобилияти, уларнинг даврий тозаланиши учун масъул ташкилотлар, ҳамда ажратилган маблағлар доирасида мониторинг ўтказилди.

Аниқланишича сув тошқинларининг сабаблари сой тубида лойқа қатламнинг кўтарилиши, бунинг натижасида сув ўтказиш қобилиятининг камайиши кузатилган.

Жойларда сой сатхининг ўлчовлари олинди ва даврий тозалаш ишлари кўрсаткичлари тахлил қилинди.

Сойда лойқа катламининг кўпайишининг сабаларидан бири ахолининг сойга маиший чиқиндиларни ташлаши, бунга сабаб эса Тоза ҳудуд МЧЖ махаллалардан график асосида маиший чиқиндиларни олиб чиқмаслиги. Шунингдек сойни тозалаш ишлари сифатли бажарилмаслиги бўлиб чиқди.

Масаланинг ечимидан манфаатдор томонлар аниқланди :

Шахар ҳокимлиги- фуқаролар мурожаатлари камаяди.

Махалла фуқаролар йиғинлари – ахоли турар жойларида тошқин юзага келмайди ;

Сух сой ва каналлардан фойдаланиш бошқармаси- агар сой ва ариқларга ахлат ташланмаса сойларни тозалаш бўйича харажатлар камаяди.

Тоза ҳудуд МЧЖ – график асосида маиший чиқиндиларни олиб чиқиш заруриятини асослайди.

Тахлилий маълумот киритилиб Жамоатчилик кенгашида Жамоатчилик эшитуви ўтказилди. Шаҳар ҳокимлиги сой ва ариқларни тозалаш ва айниқса тошқин кўп кузатилган Қўқон сойнинг қуйи қисмида тозалаш ишлари олиб бориш ҳақида Сух сойлардан фойдаланиш бошқармасига к ўрсатма берди; Махалла фуқаролар йиғинлари сойларнинг ҳудудига кузатув камералар ўрнатиб сой ва ариқларга маиший чиқиндиларни ташламаслик бўйича тарғибот ишларини амалга оширди. Тоза ҳудуд МЧЖ Ўз вақтида маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича чора тадбирларни кўрди.

Бир ой мобайнида Қўқон сойни тозалаш ишлари бошланмаганлиги сабабли Жамоатчилик кенгаши, Республика ОАВлари орқали муаммони кенг жамоатчилик мухокамасига чиқарди, ва Республика ОАВлари хусусан DAVR ахборот кўрсатувида муаммо кўтарилганидан сўнг юқори турувчи ташкилотлар кўрсатмаси билан Сой қайтадан тозаланди. Натижада 2021 йилда сой тошқинлари кузатилмади.

Шу мисол асосида қўлланилган усуллар ва манфаатдор томонларга таъсир ўтказишни кўришимиз ва ахолининг манфаатларини ҳимоя қилинишини натижасини хам бахолашимиз мумкин.

Айнан шундай мисоллардан бири сифатида Наманган вилояти Адлия бошқармаси ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг Наманган шахрида Ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий соха объектларига ва турар жойларга киришда ногиронлик аравачасининг ҳаракатига шароит яратиш бўйича ташаббуси 2020 йилда катта муваффақият билан амалга ошди, кейинчалик бу ташаббус Республиканинг барча туман ва шаҳарларида жорий қилинди ва дорихоналар, шифохоналар, савдо шахобчалари ва турар жойларни киришида пандуслар ўрнатилди. Бу каби Ахолининг ва айрим ижтимоий гурухларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва стратегик материаллар:

1. **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси** – Тошкент, 2023 йил 30 апрель (референдум асосида қабул қилинган янги таҳрир).

2. **Жамоатчилик назорати тўғрисидаги Қонун** – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2018 йил 12 апрель, № ЎРҚ-474.

3. **Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Қонун** – Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 1999 йил 14 апрель (кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар билан).

4. **Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги Қонун** – 2014 йил 5 май, № ЎРҚ-369.

5. **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Қонун** – 2013 йил 22 апрель (янги таҳрирдаги версиялари билан).

6. **Ўзбекистон–2030 стратегияси** – Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2023 йил 11 сентябрь, № ПФ-158.

II. Президент фармонлари ва қарорлари

7. **Давлат бошқарувини ислоҳ қилиш концепцияси** – Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 2017 йил 8 сентябрь, № ПФ-5185.

8. **Маъмурий ислоҳотлар концепцияси** – 2017 йил 8 сентябрь, № ПФ-5185 (илова сифатида).

III. Халқаро ташкилотлар материаллари

9. **United Nations Development Programme** (UNDP) *Guidance Note on Civic Engagement and Inclusive Governance* – Нью-Йорк: UNDP, 2020 йил.

10. **United Nations Development Programme** (UNDP) *Handbook on Stakeholder Engagemen*t – UNDP, 2018 йил.

11. **World Bank** *Stakeholder Engagement Framework* – Вашингтон, 2017 йил.

12. **OECD** Innovative Citizen Participation and New Democratic Institutions – Париж: OECD Publishing, 2020 йил.

IV. Расмий веб-саҳифалар:

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро авиацияси агентлиги расмий веб-сайти – "Жамоатчилик кенгаши фаолияти тўғрисида маълумот", 2023 йил янгиланган маълумотлар асосида). Манба: https://www.uzcaa.uz

14. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали (gov.uz) – "Транспорт назорати инспекцияси ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши", 2023 йил (расмий ахборот саҳифаси). Манба: https://gov.uz/uz/uztn/sections/view

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ННТларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (api-ngo.gov.uz) – Жамоатчилик кенгашлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва таҳлилий материаллар, 2021–2023 йиллар. Манба: https://api-ngo.gov.uz

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Илмий-ахборот тизими (ias.gov.uz) – Жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва таҳлилий материаллар, 2022 йил. Манба: https://ias.gov.uz/static

17. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси (lex.uz) – "Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисида"ги намунавий низом ва тегишли қарорлар, 2018 йил 4 июль (кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Манба: https://lex.uz

18. "Юксалиш" ҳаракати томонидан 2025 йил якуни бўйича давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини баҳолаш мониторинги https://yuksalish.org/uz/news_detail/861

Илова 4.1

Қарорлар қабул қилишда иштирок ва ҳокимият билан ҳамкорлик

PRE - POST TEST

Мақсад: Иштирокчиларнинг дастлабки ва сўнги тушунчаларини баҳолаш.

1-қисм: Тест (ҳар бири 1 балл)

1. Жамоатчилик кенгаши қандай ташкилот ҳисобланади?

А) Давлат органи қошидаги доимий фаолият юритувчи маслаҳат органи

Б) Текширув ва жарима солувчи назорат органи

С) Нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлайдиган ташкилот

D) Мақсадли тузилма

2. Жамоатчилик кенгаши аъзолари ўз фаолиятини қандай асосда олиб борадилар?

А) Ойлик маош олиб ишлайдилар

Б) Жамоатчилик асосида (кўнгилли равишда, бепул)

С) Шартнома асосида хизмат кўрсатадилар

D) Давлат хизматчиси сифатида ишлайдилар

3. Куйидагилардан қайси бири Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифаларига кирмайди?

А) Давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашишга кўмаклашиш

Б) Давлат органи ва фуқаролар ўртасида кўприк вазифасини бажариш

С) Давлат органи раҳбарини ишга тайинлаш ёки лавозимидан озод этиш

D) Қабул қилинаётган дастурлар ва қарорларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда муҳокама қилиш

4. Жамоатчилик кенгашининг асосий мақсади нима?

A) Давлат органи билан фуқаролар ўртасида самарали мулоқот ва кўприк вазифасини бажариш

Б) Давлат органи раҳбарларини ишдан бўшатиш

C) Аҳолидан мажбурий солиқларни йиғиш

D) Ташкилотнинг молиявий харажатларини тақсимлаш

5. Жамоатчилик кенгаши таркибига асосан кимлар киритилади?

A) Фақат давлат органининг ўз ходимлари

Б) ННТ, ОАВ вакиллари, меҳнат фахрийлари, олимлар ва фаол фуқаролар

C) Фақат хорижлик мутахассислар

D) Фақат йирик тадбиркорлар ва инвесторлар

6. Жамоатчилик назоратининг энг содда шаклларидан бири қайси?

A) Жамоатчилик эшитуви ва мониторинги

Б) Жиноий иш қўзғатиш

C) Ички аудит текшируви

D) Жамоатчилик экспертизаси

7. Давлат органи томонидан ишлаб чиқилаётган қонун ёки қарор лойиҳаларини жамоатчилик томонидан ўрганиш нима дейилади?

A) Жамоатчилик экспертизаси

Б) Давлат рўйхатидан ўтказиш

C) Молиявий тафтиш

D) Жамаотчилик мониторинги

8. Жамоатчилик кенгаши раиси қандай сайланади?

А) Давлат органи раҳбари томонидан буйруқ билан тайинланади

Б) Кенгаш аъзоларининг йиғилишида овоз бериш орқали сайланади

С) ўз ҳоҳиши билан сайланади

D) Обрўсига қараб тайинланади

9. Жамоатчилик кенгаши йиғилишлари (мажлислари) одатда қандай ўтказилади?

А) Ёпиқ ҳолда ўтказилади

Б) Очиқ ва шаффоф тарзда, ОАВ ва фаоллар иштирокида

С) Одатий ўтказилади

D) Ҳеч қачон йиғилиш ўтказилмайди

10. Жамоатчилик кенгаши ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни қаерда эълон қилиб бориши керак?

А) Фақат ўз каналларида

Б) ОАВ, давлат органининг расмий сайти ва ижтимоий тармоқларда

С) Ҳеч қаерда эълон қилмаслиги керак

D) Ижтимоий тармоқларда

11. Қуйидагилардан қайси бири Жамоатчилик кенгашининг ҳуқуқига киради?

А) Давлат органи фаолиятига оид зарур маълумот ва сўровларни чиқариш

Б) Давлат органи ходимларини жазолаш

С) Ташкилот биносини билан боғлиқ масалаларда

D) Ўз манфаатларига кўра маълумотларни талаб қилиш

12. Жамоатчилик кенгаши аъзоси кенгашдан қандай чиқиб кетиши мумкин?

A) Фақат суд қарори билан

Б) Ўз хоҳишига кўра ариза бериш ёки кенгаш низомини бузганда

C) Фақат пенсия ёшига етганда

D) Кенгашдан чиқиш мумкин эмас

13. «Жамоатчилик мониторинги» деганда нима тушунилади?

A) Давлат органи фаолиятини, ижро этилаётган дастурларни кузатиш ва таҳлил қилиш

Б) Ташкилот мутасаддиларини ҳисоботини эшитиш

C) Ходимларнинг шахсий ҳаётини кузатиш

D) Мурожаатларни қаноатлантириш ва ижобий ҳал қилиш

14. Жамоатчилик кенгаши фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни нима қилади?

A) Мурожаатлар билан шуғулланмайди

Б) Ўрганиб чиқади ва ҳал этиш учун давлат органига тавсиялар киритади

C) Мурожаат қилган фуқарони жазолайди

D) Бошқа мутасадди ташкилотларга юбориб, мажбурий равишда ижобий ҳал қилишни таъминлайди.

15. Жамоатчилик кенгашининг йиллик иш режаси ким томонидан тасдиқланади?

A) Жамоатчилик кенгашининг раиси ва аъзолари томонидан

Б) Кенгаш аъзолари томонидан

C) Иш режа асосида ишламайди

D) Давлат органи раҳбари томонидан

16. Жамоатчилик кенгаши мажлиси баённомаси (протоколи) нима учун тузилади?

А) Мажлисда қабул қилинган қарорлар ва фикрларни расмийлаштириш учун

Б) Масъул мутасаддиларни қўрқитиш орқали ижросини таъминлаш учун

С) Расмиятчилик учун

D) Давлат органи раҳбарига киритиш учун

17. Жамоатчилик кенгаши кимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак?

А) Давлат идорасининг барча ходимларини

Б) Жамиятдаги имконияти чекланган шахсларнинг

С) Фақат кенгаш аъзоларининг ўзларини

D) Жамият манфаатларини

18. Давлат органлари билан мулоқотда Жамоатчилик кенгашининг «Тенг ҳамкор» бўлиши учун унга энг биринчи навбатда нима керак?

А) Юқори лавозим ва ваколатлар

Б) Далиллар, профессионал таҳлил ва конструктив ечимлар

С) Кўп миқдордаги шикоятномалар

D) Фақат ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги танқид

19. Қайси жавобда жамоатчилик назоратининг шакллари тўғри кўрсатилган?

А) Жамоатчилик эшитуви, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик мониторинги

Б) Мажбурий текширув, жарима солиш, ишдан бўшатиш

С) Судга бериш, намойиш ўтказиш, бойкот қилиш

D) Яширин кузатиш, сирли харидор, таҳдид қилиш

2-қисм: Қисқа жавобли саволлар (ҳар бири 2 балл)

1. Аҳоли ва ижтимоий гурухларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ташаббусларни илгари суришнинг иккита асосий тамойилини ёзинг.

2. Муаммони ечишда ЖК нега **"тайёр таклиф"** бериши керак?

3. **Манфаатдорларни** таҳлил қилишнинг биринчи босқичи нима?

